



**Қишлоқлар ободлигида
банкларнинг фаол
иштироки**
(5-бетда ўқинг).

Аудит натижалари:
ЧЭКИ «Савдогар» АТБ.....2-3
**Ўзбекистон саноати — 2014 йилги
ривожланиш яқунлари.....9**

БАНК АЖВОРОННОМАНИ

Банк ходимлари, ишбилармонлар ва тадбиркорларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 7 (978), 2015 йил 18 февраль

www.banknews.uz

«BankExpo-2015» кўргазмаси Бухорода

Бухоро вилоят драма театри биносида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ташаббуси ва Бухоро вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида «BankExpo-2015» кўргазмаси ташкил этилди.

Кўргазма ишида вилоят академик лицейлари ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари қатнашди. Бухоро вилоятидаги 13 та акциядорлик-тижорат банки намойиш этган кўргазмада тадбир қатнашчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб, кредит олиш юзасидан малакали маслаҳат, шунингдек, бизнес-режа тузиш бўйича батафсил ахборот олиш имконига эга бўлдилар.


«BankExpo-2015» кўргазмасининг расмий очилиш маросимида Бухоро вилояти ҳокими ўринбосари Ҳ.Ғоиров, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тижорат банк-

ларининг инвестиция портфелини мониторинг қилиш департаменти бошқарма бошлиғи ўринбосари М.Шоназаров, Марказий банкнинг Бухоро вилояти Бош бошқармаси бошлиғи Ш.Астанов ва тадбиркор А.Латипов йиғилганлар олдида сўзга чиқдилар. Маърузачилар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда мазкур тадбирнинг муҳимлигини қайд этдилар, шунингдек, минтақа иқтисодиётини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшаётган ишбилармон доиралар вакиллари учун мамлакатимизда барча шарт-шароитлар ва преференциялар яратилганлигига эътибор қаратдилар.

(Давоми 3-бетда).

Йилнинг энг яхши омонатлари

Жорий йилнинг 7 февраль куни аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича республикамиз тижорат банклари ўртасида ҳар йили анъанавий тарзда ташкил этиб келинаётган танловнинг 2014 йил яқунларига кўра ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими ўтказилган эди. Унда 2014 йилда энг кўп омонатчилар қизиқишига сазовор бўлган омонатлар эътироф этилди.



Куйида танловда эътироф этилган мазкур омонатларнинг ўзига хос хусусиятлари, жозибadorлиги ва аҳоли омонатлари ҳаммидаги улуши ҳақида тўхталамиз.

«Миллий валютадаги энг яхши муддатли депозит». Мазкур номинация бўйича «Агробанк» АТБнинг «Файзли келажак» номли омонати ғолиб бўлди. Ушбу депозитга маблағлар 6, 9 ва 13 ой муддатларга қабул қилиниб, унга ҳисобланган фоизлар

омонатчига ҳар ойда тўлаб берилди. 2014 йил давомида банкнинг «Файзли келажак» муддатли омонатига 10 900 га яқин омонатчидан 170 млрд. сўмдан ортиқ пул маблағлари жалб қилинди.

Дарҳақиқат, «Агробанк» АТБ мижозлар қизиқиши ва моддий манфаатдорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида мунтазам равишда янги турдаги омонатларни жорий қилиб келмоқда.

(Давоми 4-бетда).

Аёллар тадбиркорлигини

ривожлантиришда замонавий ёндашув

Андижон шаҳридаги «Ҳамкор» бизнес марказида «Тадбиркор аёлларнинг молиявий саводхонлигини оширишда банкларнинг ўрни» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.



Чет эл капитални иштирокидаги «Ҳамкорбанк» акциядорлик-тижорат банки, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар Ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда Банк бошқаруви, вилоят Хотин-қизлар кўмитаси, солиқ бошқармаси масъул ходимлари, бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари

ҳамда ўз бизнесини бошлаш истагида бўлган 100 нафарга яқин аёллар иштирок этди.

— Банкимиз ўз фаолияти давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан асосан ҳудудлардаги олис қишлоқларга алоҳида эътибор қаратмоқда, — дейди «Ҳамкорбанк» АТБнинг Бизнесни ривожлантириш департаменти директори

Азиза Ибрагимова. — Бунда, албатта, маҳаллий ҳокимлик ва жамоат ташкилотлари амалий кўмагида турли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этаётганимиз муҳим аҳамият касб этмоқда. Шулардан бири — «Тадбиркор аёлларнинг молиявий саводхонлигини оширишда банкларнинг ўрни» лойиҳаси бўлиб, у республикамизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳоли орасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган хотин-қизларнинг молиявий саводхонлигини ошириш ҳамда банкнинг микромолиявий хизматлари билан таъминлашга қаратилган. Лойиҳа бўйича дастлабки иш ана шундай ҳудудларни аниқлаш ва у ерда амалий учрашув ҳамда ўқув-семинарлари ташкил этишдан бошланди.

(Давоми 3-бетда).

Бир мавзу тафсилоти

2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, «Агробанк» АТБ томонидан республикамиз бўйлаб касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш ва уларнинг тадбиркорлик йўналишидаги лойиҳаларини молиялаштиришга 28,2 млрд. сўм микдоридан имтиёзли кредитлар ажратилди.

(Батафсил 6-бетдаги «Кредитлар ёшлар келажигига пойдевор бўлмоқда» сарлавҳали мақолада ўқинг).

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН КУРСИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 17 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан куйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	1911,16	1 Канада доллари	1975,45	1 Норвегия кронаси	324,63	1 евро	2777,13
1 Англия фунт стерлинги	3786,98	1 Хитой юани	392,94	1 Польша злотийси	671,88	10 Жанубий Корея вони	22,31
1 Дания кронаси	376,62	1 Кувайт динори	8312,62	1 Сингапур доллари	1812,09	10 Япония иенаси	207,27
1 БАА дирҳами	668,27	1 Россия рубли	37,71	1 СДР	3474,06	*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.	
1 АҚШ доллари	2454,30	1 Украина гривнаси	94,69	1 Туркия лираси	998,21		
1 Миср фунти	321,66	100 Ливан фунти	163,29	1 Швеция кронаси	292,52		
1 Исландия кронаси	18,72	1 Малайзия ринггити	687,96	1 Швейцария франки	2642,44		

Айрим хорижий валюталарнинг ўтган ҳафтага солиштирма кўрсаткичи:

1 USD ▲ 2454,30 - (2448,16)

1 EUR ▲ 2777,13 - (2774,81)

1 GBP ▲ 3786,98 - (3734,42)

10 JPY ▲ 207,27 - (205,97)

AUDIT NATIJALARI

Чет эл капитали иштирокидаги «Савдогар» акциядорлик-тижорат банки

Рўйхатга олиш рақами: ЎзР МБнинг 2014 йил 20 сентябрдаги 42-сонли лицензияси.
Юридик манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Сайид Барака кўчаси, 78-уй.

МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТ ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ 31 декабрда яқунланган 2014 ва 2013 йиллар учун (минг сўмда)

№	МОДДАЛАР	2014 йил	2013 йил
Активлар			
010	Нақд пуллар	8 903 224	5 534 085
020	Ўзбекистон Республикаси Марказий банкдан олиниши керак бўлган маблағлар	49 496 372	53 145 228
030	Бошқа банклардан олиниши керак бўлган маблағлар	19 159 905	13 138 182
040	Харид қилиш-сотиш учун қимматли қоғозлар - савдо, соф	0	0
041	Харид қилиш-сотиш учун қимматли қоғозлар - носавдо, соф	0	0
050	Ишлаб чиқилган молиявий инструментлар	0	0
060	Инвестициялар - сотиш учун мавжуд бўлганлари	0	0
061	- сўндирилгунча ушлаб турилганлари	0	0
070	Тескари РЕПО	0	0
080	Мижозларга берилган кредитлар ва бўнақлар	342 489 812	272 917 970
081	Минус: эҳтимолий зарарлар бўйича захиралар	(10 502 296)	(11 365 411)
082	Соф кредитлар ва бўнақлар	331 987 516	261 552 559
090	Молиявий ижара, соф	0	0
100	Тобе хўжалик юритувчи жамиятларга инвестициялар	200 464	0
101	Қўшма корхоналарга инвестициялар	0	0
110	Гудвилл	0	0
120	Асосий воситалар (соф баланс қиймати бўйича)	23 511 321	22 283 426
130	Номоддий активлар (соф баланс қиймати бўйича)	1 086 451	1 420 842
140	Бошқа хусусий мол-мулк	85 992	9 841 667
150	Солиқ талаблари	2 081 145	3 893 419
160	Бошқа активлар	12 078 434	4 050 122
	ЖАМИ: АКТИВЛАР	448 590 824	374 859 530
Мажбуриятлар			
Депозитлар			
181	Талаб қилиб олингунча	143 530 881	120 251 969
182	Жамгарма	2 782 938	3 131 164
183	Муддатли	86 191 697	147 481 690
184	Депозит сертификатлари	0	0
185	Ҳукумат ҳисобварақлари	4 238	2 883
190	Жами депозитлар	232 509 754	270 867 706
200	Марказий банкка тўланиши керак бўлган	120 097	21 692
210	Ҳукуматга тўланиши керак бўлган	6 551 759	6 695 057
220	Бошқа банкларга тўланиши керак бўлган	148 841 155	38 221 627
230	РЕПО ва бошқа қарз маблағлари	61 020	0
240	Ишлаб чиқилган молиявий инструментлар	0	0
250	Солиқ мажбурияти	352 977	751 211
260	Бошқа мажбуриятлар	3 149 539	6 138 169
270	Чиқарилган қарз қимматли қоғозлар	4 120 986	4 000 000
280	Жами мажбуриятлар	395 707 287	326 695 462
Хусусий капитал			
300	Оддий акциялар	47 396 188	47 241 188
310	Имтиёзли акциялар	150 000	150 000
320	Қўшилган капитал	72 424	68 063
330	Жами акциядорлик капитали	47 618 612	47 459 251
340	Қайта баҳолаш бўйича захиралар	0	0
350	Тақсимланмаган фойда (тўпланган тақчиллик)	5 264 925	704 817
360	Жами хусусий капитал	52 883 537	48 164 068
370	ЖАМИ МАЖБУРИЯТЛАР ВА ХУСУСИЙ КАПИТАЛ	448 590 824	374 859 530

УМУМИЙ ДАРОМАД ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ 31 декабрда яқунланган 2014 ва 2013 йиллар учун (минг сўмда)

№	МОДДАЛАР	2014 йил	2013 йил
Фоиш даромади			
011	Кредитлар бўйича фоиш даромади	47 535 970	27 939 844
012	ЎзР МБ ва бошқа банклардаги ҳисобварақлар бўйича фоиш даромади	670 698	1 398 625
013	Олди-сотди учун мўлжалланган қимматли қоғозлар бўйича фоиш даромади - савдо	0	0
014	Олди-сотди учун мўлжалланган қимматли қоғозлар бўйича фоиш даромади - носавдо	0	0
015	Сотиш учун мавжуд бўлган инвестицияларнинг фоиш даромади	0	0
016	Сўндирилгунча ушлаб турилган инвестициялар бўйича фоиш даромади	0	0
017	Қайта келишув битими РЕПО бўйича фоиш даромади	0	0
018	Молиявий ижара бўйича фоиш даромади	0	241
019	Бошқа фоиш даромадлари	0	4 000
020	Жами: фоиш даромадлари	48 206 668	29 342 710
Фоиш харажатлари			
031	Талаб қилиб олингунча бўлган депозитлар бўйича фоиш харажатлари	(32 979)	(106 710)
032	Омонат депозитлари бўйича фоиш харажатлари	(17 376)	(57 011)
033	Муддатли депозитлар бўйича фоиш харажатлари	(8 052 621)	(6 930 281)
034	Депозит сертификатлари бўйича фоиш харажатлари	0	0
035	Ҳукумат ҳисобидаги фоиш харажатлари	0	0
036	ЎзР МБ ҳисобига тўланадиган маблағлар бўйича фоиш харажатлари	0	0
037	Бошқа банкларга тўланадиган ҳисобварақлар бўйича фоиш харажатлари	(9 526 790)	(3 680 267)
038	Бошқа қарз маблағлари бўйича фоиш харажатлари	(229 888)	(1 466)
039	Чиқарилган қарз қимматли қоғозлари бўйича фоиш харажатлари	(600 986)	(443 154)
040	РЕПО келишувлари бўйича фоиш харажатлари	0	0
041	Бошқа фоиш харажатлари	0	(201 797)
050	Жами фоиш харажатлари	(18 460 640)	(11 420 686)
060	Соф фоиш даромади	29 746 028	17 922 024
070	Кредитлар бўйича эҳтимолий зарарлар захирасини баҳолаш	(1 524 408)	(2 665 430)
080	Эҳтимолий йўқотишлар захираси чегириб ташланганидан кейинги соф фоиш даромад	28 221 620	15 256 594
Фоишсиз даромад			
091	Воситачилик ва хизматлар учун тўловлардан олинган даромад	29 673 242	27 726 142
092	(Воситачилик ва хизматлар учун тўловлар бўйича харажатлар)	(5 781 278)	(5 032 355)
093	Савдо операцияларидан тушган даромад (зарар)	0	0
094	Валюта операцияларидан тушган даромад (зарар)	2 928 593	2 697 178
095	Дивиденд тарзидаги даромад	1 209	16 278
096	Инвестициялардан тушган даромад (зарар)	7 038	2 113
097	Тобе хўжалик юритувчи жамиятлар ва қўшма корхоналардан тушган даромад (зарар)	1 609 722	1 333 736
098	Соф пул маблағлари бўйича даромад (зарар)	0	0
099	Бошқа операция даромадлари (харажатлар)	2 128 662	2 031 984
100	Жами фоишсиз даромад	30 567 188	28 775 076
Операция харажатлари			
111	Ходимларга тўланган иш ҳақи ва бошқа харажатлар	(17 684 060)	(14 398 651)
112	Ижара ва таъминот харажатлари	(5 230 754)	(4 738 483)
113	Транспорт ва хизмат сафарлари харажатлари	(833 197)	(706 662)
114	Маъмурий харажатлар	(2 385 676)	(1 251 746)
115	Асосий воситаларнинг эскириши	(3 361 054)	(2 899 513)
116	Амортизация - номоддий активлар	(348 074)	(373 815)
117	Сугурта харажатлари, солиқлар ва бошқа тўловлар	(6 566 997)	(4 185 250)
118	Захирани тиклаш/эҳтимолий зарарлар (захирасини баҳолаш)	(1 276 557)	(2 068 334)
119	Бошқа операция харажатлари	(631 338)	(551 437)
120	Жами: операция харажатлари	(38 317 707)	(31 173 891)
130	Даромад (фойда) солигидан олдинги соф фойда (зарар)	20 471 101	12 857 779
140	Даромад (фойда) солигини баҳолаш	(3 327 246)	(1 557 152)
150	Соф фойда (зарар)	17 143 855	11 300 627
160	Бир акцияга тўғри келадиган базавий фойда	40,84	29,03
170	Бир акцияга тўғри келувчи тақсимланган фойда	40,84	29,03

КАПИТАЛДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ 31 декабрда яқунланган 2014 ва 2013 йиллар учун (минг сўмда)

№	Устав капитали	Қўшилган сармоя	Сотиб олинган ўз акциялари	Жами: акциядорлик капитали	Захиралар	Тақсимланмаган фойда	Жами: хусусий капитал
010	2013 йил 1 январь ҳолатига кўра қолдиқ	41 382 808	63 743	41 446 551	1 974 710	(2 736 667)	40 684 594
020	Ҳисоб-китобдаги ўзгаришлар самараси, солиқ чиқариб ташланганда	0	0	0	0	0	0
030	Қайта ҳисоб-китобдан сўнг	0	0	0	0	0	0
040	Даврда пайдо бўлган:						
070	Соф фойда	0	0	0	0	11 300 628	11 300 628
080	Соф тан олинган фойда(зарар)	0	0	0	0	11 300 628	11 300 628
090	Ўтган йилдан олдинги йил учун оддий акциялар бўйича дивидендлар	0	0	0	0	(8 695 990)	(8 695 990)
100	Ўтган йилдан олдинги йил учун имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар	0	0	0	0	(45 000)	(45 000)
110	Бошқалар	0	4 320	4 320	0	(1 092 864)	(1 088 544)
120	Қайта сотиб олинган ўз акцияларининг хариди/сотуви	0	0	0	0	0	0
130	Акциялар чиқариш	6 008 380	0	6 008 380	0	0	6 008 380
140	Жами: 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра қолдиқ	47 391 188	68 063	47 459 251	1 974 710	(1 269 893)	48 164 068
150	Даврда пайдо бўлган:						
180	Соф фойда	0	0	0	0	17 143 855	17 143 855
190	Соф тан олинган фойда(зарар)	0	0	0	0	17 143 855	17 143 855
200	Ўтган йил учун оддий акциялар бўйича дивидендлар	0	0	0	0	(7 935 202)	(7 935 202)
210	Ўтган йил учун имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар	0	0	0	0	(45 000)	(45 000)
215	Жорий йилдаги оддий акциялар бўйича дивидендлар	0	0	0	0	(6 300 422)	(6 300 422)
220	Бошқалар	0	4 361	4 361	191 380	1 505 497	1 701 238
230	Қайта сотиб олинган ўз акцияларининг хариди/сотуви	0	0	0	0	0	0
240	Акциялар чиқариш	155 000	0	155 000	0	0	155 000
250	2014 йил 31 декабрь ҳолатига кўра қолдиқ	47 546 188	72 424	47 618 612	2 166 090	3 098 835	52 883 537

AUDIT NATIJALARI

Чет эл капитали иштирокидаги «Савдогар» акциядорлик-тижорат банки

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ 31 декабрда якунланган 2014 ва 2013 йиллар учун

(минг сўмда)

№	МОДДАЛАР	2014 йил	2013 йил
Операция фаолиятдан келган пул оқимлари			
020	Олинган фоизлар	49 618 833	28 310 346
030	Тўланган фоизлар	(18 272 032)	(11 380 277)
040	Воситачилик ҳақи ва хизматлар учун тўловлар шаклида олинган пул маблағлари	29 520 541	27 795 427
050	Воситачилик ҳақи ва хизматлар учун тўловлар шаклида тўланган пул маблағлари	(5 781 278)	(5 032 355)
060	Дилинг операциялари бўйича соф ўзлаштирилган фойда (зарар)	0	0
070	Хорижий валюта операцияларидан ўзлаштирилган соф фойда (зарар)	0	0
080	Олинган дивидендлар	0	0
090	Ҳисобдан чиқарилган кредитларни тўлаш	0	0
100	Бошқа операцион даромадлар (харажатлар)	3 746 631	2 358 232
110	Таъминотчи ва ишчиларга тўланган пул маблағлари	(33 267 022)	(27 722 154)
120	Даромад (фойда)га тўланган солиқ	(3 660 365)	(3 094 916)
130	Инфляциянинг операцион фаолиятга таъсири	0	0
140	Операцион активлар ва мажбуриятлардаги ўзгаришларгача бўлган операция фаолиятдан келган пул оқимлари	21 905 308	11 234 303
150 Операцион активларнинг соф (кўпайиш)/камайиш:			
151	ЎЗР МБнинг мажбурий захираси бўйича соф (кўпайиш)/камайиш	0	0
152	Савдодаги қимматли қоғозларнинг соф (кўпайиш)/камайиши	0	0
153	Сотиб олинган ва сотилган опционларнинг соф (кўпайиш)/камайиши	0	0
154	Банкларга ажратиладиган кредит ва бўнақларнинг соф (кўпайиш)/камайиши	(3 534 967)	(7 310 786)
155	Мижозларга кредит ва бўнақларнинг соф (кўпайиш)/камайиши	(69 571 842)	(104 244 882)
156	Бошқа активлардаги соф камайиш/кўпайиш	175 663	(3 484 703)
160	Операцион мажбуриятларнинг соф (кўпайиш)/камайиш:		
161	Депозитлардаги соф (камайиш)/кўпайиш	(38 236 966)	85 453 411
162	ЎЗР МБ ва Ҳукуматга тўланадиган воситанинг соф кўпайиш/камайиши	0	0
163	Бошқа банклар тўловларидаги ҳисоблар бўйича соф кўпайиш/камайиш	110 619 528	6 008 376
164	Савдо мажбуриятлари бўйича соф кўпайиш/камайиш	0	0
165	Бошқа мажбуриятлар бўйича соф (камайиш)/кўпайиш	(3 580 416)	1 958 141

170	Операция фаолиятдан тушган соф пул маблағлари	17 776 308	(10 386 140)
Инвестицион фаолиятдаги пул оқимлари			
190	Молиявий ижарадан тушган кирим	0	0
200	Операция фаолияти сифатида таснифланганлардан ташқари қимматли қоғозларни сотиб олиш	0	0
210	Операция фаолияти сифатида таснифланганлардан ташқари қимматли қоғозларни сотиш	0	0
220	Шўба, тобе ҳўжалик юритувчи жамиятлар ва қўшма корхоналарни сотиб олиш, олинган пул маблағларини чегириб ташлаганда	0	0
230	Шўба, тобе ҳўжалик юритувчи жамиятлар ва қўшма корхоналарни чиқариб юбориш, чиқариб юборилган пул маблағларини чегириб ташлаганда	0	0
240	Асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа узоқ муддатли активларни сотиб олиш	(5 133 429)	(5 373 929)
250	Асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа узоқ муддатли активларни сотиш	1 436 160	683 298
260	Инвестицион фаолиятга инфляциянинг таъсири	0	0
270	Инвестицион фаолиятдан тушган соф пул маблағлари	(3 697 269)	(4 690 631)
Молиявий фаолиятдан келган пул оқимлари			
290	Қарз маблағлари ва қарз қимматли қоғозларидан тушумлар	48 766 065	44 735 325
300	Қарз маблағлари ва қарз қимматли қоғозлари бўйича тўловлар	(48 909 363)	(44 171 895)
310	Молиявий ижаралар бўйича тўловлар	0	0
320	Акциялар чиқариш	155 000	4 919 836
330	Акцияларни ҳисобдан чиқариш	0	0
340	Ўз акцияларини қайта сотиб олиш	0	0
350	Қайта сотиб олинган ўз акцияларини сотиш	0	0
360	Пул шаклидаги дивидендларни тўлаш	(14 280 624)	(6 891 845)
370	Инфляциянинг молиявий фаолиятга таъсири	0	0
380	Молиявий фаолиятдан тушган соф пул маблағлари	(14 268 922)	(1 408 579)
390	Валюта курси ўзгаришининг пул маблағлари ва пул эквивалентларига таъсири	2 396 922	2 696 780
400	Инфляциянинг пул маблағлари ва пул эквивалентларига таъсири		
410	Пул маблағлари ва пул эквивалентларининг соф кўпайиш/камайиши	2 207 039	(13 788 570)
420	Йил бошидаги пул маблағлари ва пул эквивалентлари	61 567 038	75 355 608
430	Йил охиридаги пул маблағлари ва пул эквивалентлари	63 774 077	61 567 038

«Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги «PKF MAK ALYANS» МЧЖ (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 30 январдаги АФ 00531-рақамли лицензиясига эга) томонидан тасдиқланган ва унинг барча муҳим жиҳатлари Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган. Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот банк ҳисоботининг 2014 йил 31 декабрь ҳолати бўйича тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик хулосасида бор.

Хизматлар лицензияланган.

«BankExpo-2015» кўргазмаси Бухорода

(Давоми. Бошланиши
1-бетда).

Рақамлар шундан да-
лолат берадики, 2013 йил-
да тижорат банклари томо-
нидан кичик бизнес ва хусу-
сий тадбиркорлик вакиллари-
га 397 млрд. сўм ажратилган
бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич
713 млрд. сўмни ташкил этди.
Жорий йилда 1800 та бизнес-
лойиҳаларни амалга оширишга
950 млрд. сўм, кичик бизнес ва
хусусий тадбиркорликни ри-
вожлантиришга яна 200 млрд.
сўм ажратиш режалаштирил-
ган. Вилоятда ажратилган кре-
дит маблағлари натижасида 74
мингта янги иш ўринлари яра-
тиш мўлжалланган. Бундан
ташқари, ўз тадбиркорлик фа-
олиятини йўлга қўйишга қарор
қилган касб-хунар коллежлари
ва лицейлар битирувчилари ёр-
дамида 27 мингта иш ўрни яра-
тилиши кўзда тутилмоқда.

Тадбир доирасида касб-хунар
коллежларининг ўттиз нафар
битирувчисига имтиёзли кредит
олиш учун сертификатлар топ-
ширилди. Шунингдек, Халқ банки,
ТИФ Миллий банки, «Микрокредит-
банк», «Ўзсаноатқурилишбанк»,
«Қишлоқ қурилиш банк» ва
«Капиталбанк»нинг вилоят фи-
лиалларига номинациялар

бўйича фахрий ёрликлар
тақдим этилди.

Тадбир якунида бухоро-
лик санъат усталари ва ёш-
лар иштирокида концерт дасту-
ри йиғилганлар ҳукмига ҳавола
қилинди.

**Зилола Самадова, иқтисо-
диёт ва банк иши касб-хунар
коллежи битирувчиси:**

– Коллежни битиргач, чорва-
чилик билан шуғулланмоқчиман.
«Асака» банкдан 9 млн. 400 минг
сўм миқдорида кредит олиш ни-
ятидаман. Дастлаб, тўртта ян-
ги иш ўрни очилса, бизнесим ри-
вожланиши билан уларнинг сони
яна ошиб бораверади.

**Анвар Қиличев, юридик
коллеж битирувчиси, «Анвар
савдо файз» МЧЖ раҳбари:**

– Ишлаб чиқаришни ривож-
лантириш юзасидан бизнес-
режа тузиб, «Микрокредит-
банк»дан 10 млн. сўм олиш ва
ўз бизнесимни ривожлантириш,
касб-хунар коллежлари бити-
рувчиларини жалб этган ҳолда
янги иш ўринларини яратиш ни-
ятидаман. «Анвар савдо файз»
МЧЖни кўп тармоқли корхона-
га айлантирмоқчиман. Банкдан
олинган кредит мақсадимни
рўёбга чиқаришда ёрдам бера-
ди, деган фикрдаман.

Асатилло ҚУДРАТОВ.

Аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришда замонавий ёндашув

(Давоми. Бошланиши
1-бетда).

Бугунги тадбирда асосан
тадбиркорлик қобилиятига эга
қишлоқ аёлларининг ўз биз-
несларини ташкил этишларига
қўмаклашиш, бу борада уларга
бизнес-режа тузишнинг тартиб-
тамоийилларини ўргатиш маса-
ласи илгари сурилди.

Қайд этиш жоиз, 2014 йил да-
вомида «Ҳамкорбанк» томони-
дан юртимизда аёллар тадбир-
корлигини қўллаб-қувватлашга
128,7 млрд. сўмлик кредит-
лар ажратилди. Бу ўз навбати-
да, мамлакатимиздаги минглаб
аёлларнинг мустақил фаолият
юретишига, даромад манбаига
эга бўлишларига, оилаларнинг
бюджетини шакллантириш ва
турмуш фаровонлиги яхшила-
нишига хизмат қилмоқда.

Тадбирда сўзга чиққанлар
таъкидлаганидек, бугунги кун-
да кичик бизнес ва хусусий тад-
биркорликни ривожлантириш-
да, айниқса, тадбиркор аёл-
ларни ҳар томонлама қўллаб-
қувватлаш мақсадида яратил-
ган ҳуқуқий асослар, хусусан,
Ўзбекистон Республикаси Пре-
зидентининг 2004 йил 25 май-

даги «Ўзбекистон Хотин-қизлар
қўмитаси фаолиятини қўллаб-
қувватлаш борасидаги қўшимча
чора-тадбирлар тўғрисида»ги
Фармони аҳамияти жуда му-
ҳимдир. Ушбу ҳуқуқий асос-
лардан келиб чиқиб, тадбир-
кор аёллар фаолияти молия-
вий қўллаб-қувватланиб, минг-
лаб аёллар ўз фаолиятларини
ривожлантирмоқда. Тадбиркор
аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ка-
фолатловчи норматив-ҳуқуқий
база янада такомиллаштирили-
ши билан бирга, кредитлар бе-
риш тартиби ҳам соддалашти-
рилганлиги ўз бизнесини бош-
лаётган тадбиркор аёлларга
жуда қўл келмоқда.

Рақамларга мурожа-
ат қиладиган бўлсак, ҳозирда
Ўзбекистон тадбиркорларининг
35 фоизини, фермерларининг
эса 10 фоизини аёллар таш-
кил этмоқда. Мамлакатимиз-
да 200 мингдан ортиқ тадбир-
кор аёллар давлат рўйхатидан
ўтиб, хусусий корхоналарини
бошқаришмоқда. Шунингдек,
300 нафар тадбиркор аёллар
якка тартибдаги тадбиркор си-
фатида ўз фаолиятларини олиб
боришмоқда.

Семинар-тренингда ишти-
рокчилар учун «Бизнесни юри-
тишда юридик жиҳатлар: қо-
нунчилик ва имтиёзлар», «Со-
лиқтизимида кичик бизнес субъ-
ектларига яратилган имтиёз ва
преференциялар», «Ўз бизне-
сини йўлга қўяётган аёлларнинг
бизнес-режасини тузишнинг
ўзига хос хусусиятлари», «Банк
билан муносабатлар: банкда
ҳисоб рақам очиш, кредит олиш
учун керакли ҳужжатлар, кре-
дит маҳсулотлари» мавзула-
рида тақдимотлар ташкил эти-
либ, мутахассислар уларни
қиқиқтирган саволларга батаф-
сил жавоблар беришди.

Шу билан бирга, йиғил-
ганларга «Юксалиш тари-
хи» номли махсус фильм
ҳам намойиш этилиб, Анди-
жон вилоятида тадбиркорлик
соҳасида ижобий натижалар-
га эришган бир неча тадбир-
кор аёллар ҳаёти ва фаолият-
ти эътироф этилди.

Тадбир сўнггида ташкилот-
чилар томонидан бундай се-
минар-тренинглар республи-
камизнинг барча ҳудудларида
ҳам ўтказилиши таъкидланди.

Бекзод АКРОМОВ.

TANLOV G'OLIBLARI

Йилнинг энг яхши омонатлари

Аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича

«Миллий валютадаги энг яхши муддатли депозит» – «Агробанк» АТБнинг «Файзли келажак» номли омонати

ТАНЛОВ

«Хорижий валютадаги энг яхши муддатли депозит» – «Капиталбанк» АТБнинг «Шошилмасдан» депозити

«Миллий валютадаги энг яхши жамғарма омонати» – «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг «Ягонасан Ватаним» жамғарма омонати

«Хорижий валютадаги энг яхши жамғарма депозити» – Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг «Бойчечак» омонати

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жумладан, 2014 йилда банк томонидан мижозлар эътиборига 19 та омонат ҳавола қилиниб, улар орасида айниқса, миллий валютада «Файзли келажак», «Соғлом бола», «Гулдас-та», «Мураббий» ҳамда хорижий валютада «Ният» номли омонатларга мижозлар қизиқиши катта бўлди. Қолаверса, 2014 йилда «Агробанк» АТБ депозит портфелини шакллантиришда «Хазина» пул ютуқли омонати ҳам катта роль ўйнади. Унинг ютуқлар фонди 40,6 млн. сўмни, ютуқлар сони 278 донани ташкил этиб, 50 000 сўмдан 5 000 000 сўмгача бўлган миқдорда пул ютуқлари ўйналди.

Сўнги йилларда муассаса республикамиз аҳолисига замонавий банк хизматларини етказиб беришда қуйи тузилмалари (улар сони 183 та филиал, 271 та мини-банк, 204 та махсус кассалар)даги шарт-шароитларга жиддий эътибор қаратмоқда. Бу борада амалга оширган чора-тадбирлари натижасида 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, аҳоли омонатлари қолдиғи 996,4 млрд. сўмга етиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 126 фоизга кўпайди. Ҳисобот даврида жами омонатлар қолдиғида муддатли депозитлар улуши 49 фоизни, унда «Файзли келажак» омонатининг ҳиссаси 35 фоизни ташкил этди.

Танловда «Хорижий валютадаги энг яхши муддатли депозит» номига «Капиталбанк» АТБнинг «Шошилмасдан» депозити лойиқ топилди. Мазкур омонатнинг сақланиш муддати 3 ой бўлиб, унинг даврийлиги

мижоз хоҳишига кўра, ҳар 3 ойда автомат равишда узайтирилади ва энг кўпи билан бир йилга кўйилади. Ҳар бир узайтирилган муддат учун эса, (ҳар 3 ойга) йиллик устама бир фоизга оширилади. Мазкур омонатга маблағлар АҚШ доллари ва еврода қабул қилиниб, унга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда депозитнинг валюта тури бўйича тўланади. «Шошилмасдан» омонатига кўшимча маблағларни киритиб бориш имконияти ҳам мавжуддир.

Айни пайтда мазкур банкнинг республикамиз бўйлаб 13 филиали ҳамда 64 мини-банки орқали аҳоли эътиборига 25 та миллий ва хорижий валютадаги муддатли ва жамғарма омонатлар тақдим этилмоқда. Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан аҳоли омонатлари қолдиғи 33 фоизга ошиб, унинг таркибида «Шошилмасдан» депозитининг қолдиғи 50 фоиздан ортиқ улушга тенг бўлди.

«Миллий валютадаги энг яхши жамғарма омонати», деб «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг «Ягонасан Ватаним» жамғарма омонати эътироф этилди.

Сақланиш муддати 4 ой бўлган мазкур депозитга ҳисобланган йиллик фоиз тўловлар ҳар ойда тўлаб берилади.

Таъкидлаш жоиз, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ бугунги кунда аҳоли ва хўжалик субъектларига хизмат кўрсатишда энг катта жўғрофик майдонни эгаллаган муассасалардан саналади. Унинг 500 га яқин инфратузилмаси республикамизнинг барча ҳудудларида мижозларга яқиндан

хизмат кўрсатиш, айниқса, юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини жалб қилишда муҳим омил бўлмоқда.

Банк томонидан мижозларга кўшимча қулайликлар яратиш, омонатлар бут сақланишини кўшимча назорат қилиш мақсадида замонавий технологиялар асосида «SMS-хабар» ва «Шахсий кабинет» хизматлари йўлга қўйилган. «SMS-хабар» хизматида омонатчилар ўз омонат ҳисобварақлари бўйича амалга ошириладиган барча операциялар ҳамда омонат қолдиғи тўғрисида ўз уяли телефонлари орқали SMS-хабар олиш имконига эга бўлмоқда. «Шахсий кабинет» хизмати орқали эса мижозлар банкнинг барча филиалларидаги омонат ҳисобварақлари тўғрисида батафсил маълумот олишмоқда.

Ушбу хизматлардан фойдаланиш бепул бўлиб, бунинг учун омонатчидан фақатгина уяли телефон рақамини назоратчи-кассирга тақдим қилиш талаб этилади.

«Хорижий валютадаги энг яхши жамғарма депозити». Ушбу номинацияда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг «Бойчечак» (АҚШ долларида) омонати голиб деб топилди. Мазкур омонат 16 ёшгача бўлган болаларга мўлжалланган бўлиб, унинг сақланиш муддати 5 йилдан боланинг 16 ёшга тўлгунига қадар давом этади. Депозитга кўшимча бадаллар қабул қилинади, ҳисобланган устамалар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги курси бўйича миллий валютада омонат муддати туғанидан сўнг (талаб қилиб олинмаган фоизлар эса капитализациясиз) тўланади.

2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, «Бойчечак» депозити бўйича жалб қилинган омонатлар қолдиғи 105 минг АҚШ долларини ташкил этди.

Назира МАВЛОНОВА
тайёрлади.

Хизматлар давр талабига мослаштирилмоқда

– Хусусан, Президентимизнинг «Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида»ги ПҚ-991-сонли Қарорига мувофиқ, банкимизда депозит сиёсати анчайин такомиллаштирилиб, бу борада ижобий натижаларга эришилмоқда, – дейди «Ипотека-банк» АТБнинг Мини-банк ва жамғарма кассалар фаолиятини тартибга солиш бошқармаси бўлим бошлиғи **Ғ.Норқўзиев**. – Чунончи, аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича ўтказилган танловда «Ипотека-банк» АТБ бош номинация бўйича савриндор (3-ўрин) бўлди. Шунингдек, банкимизнинг Тошкент шаҳар филиали Амалиёт бошқармаси «Пластик карточкалар асосида иш ҳақи лойиҳаларини амалиётга жорий этиш бўйича энг яхши банк филиали» деб (1-ўрин) топилди. Сирдарё вилояти филиалимизга қарашли 1-сонли жамғарма касса эса «Аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича шаҳар ҳудудидаги йилнинг энг яхши жамғарма/махсус кассаси» номинациясида фахрли 3-ўринга сазовор бўлиб, танлов голиблари диплом ва махсус совғалар билан рағбатлантирилди.

Юртбошимизнинг банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш тўғрисидаги қатор фармон ва қарорлари ижроси тижорат банкларининг минтақавий тузилмалари билан ҳамжиҳатликда самарали кечмоқда. Жумладан, «Ипотека-банк» АТБда ҳам бу борадаги ишлар салмоғи катта. Муассаса филиалларида мижозларга сифатли банк хизматларини кўрсатиш ва қулайликлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу ютуқлар банкимиз томонидан чакана хизматларни ривожлантириш борасида олиб бориладиган саъй-ҳаракатлар натижасидир. Банк стратегияси омонатлар шарт-шароитларини давр талабларидан

монидан «Коммунал-актив», «Коммунал-плюс», «Коммунал-люкс», «Наврўз», «Электрон ҳамён», «Қадрлаш», «Устоз» ва «Янги йил туҳфаси» каби 15 та янги турдаги муддатли ва жамғарма омонатлар жорий қилинди.

Айни пайтда муассасамизда амалда бўлган миллий ва хорижий валютадаги омонатларимиз сони 20 та бўлиб, улар орасида, айниқса, «Нафис», «Обод турмуш», «Оила», «Қалдирғоч» каби депозит турлари мижозлар томонидан фаол фойдаланиб келинмоқда. Мазкур депозитларга



рига мослаштириб бориш, замонавий ахборот технологияларига таянган ҳолда пластик карталар асосидаги хизматлар кўламини кенгайтириш ва энг муҳими, ўз маҳсулот ва хизматларимиз билан республикамизнинг энг чекка ҳудудлари аҳолисини ҳам қамраб олишга қаратилган.

2014 йилда банкимиз то-

тага етиб, 2013 йилга нисбатан 228 590 тага кўпайди. Хусусан, ушбу йўналишдаги кўрсаткич банкнинг Сирдарё вилояти филиали 1-сонли жамғарма кассасида 1 млрд. 557 млн. сўмга етди ёки ўтган йилга нисбатан 53 фоизга ошди. Касса орқали қабул қилинган коммунал тўловлар эса 86 фоиз-

га етиб, 2013 йилга нисбатан 228 590 тага кўпайди.

Хусусан, ушбу йўналишдаги кўрсаткич банкнинг Сирдарё вилояти филиали 1-сонли жамғарма кассасида 1 млрд. 557 млн. сўмга етди ёки ўтган йилга нисбатан 53 фоизга ошди. Касса орқали қабул қилинган коммунал тўловлар эса 86 фоиз-

га ўсиб, 4 млрд. 753 млн. сўмни ташкил қилди.

«Ипотека-банк» АТБ пластик карталарни оммалаштириш борасида ҳам салмоқли ишларни амалга оширмоқда. Ушбу йўналишда татбиқ қилинган энг сўнги хизматимиз ойлик иш ҳақи лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилик бошқармаси билан ҳамкорликдаги UzASBO дастуридир. Айни пайтда ушбу дастур орқали электрон қайдномалардаги пул маблағлари автомат равишда Uzkart-EMV тизимига узатилиб, мижозларнинг пластик карта ҳисобварақларига кирим қилиб борилмоқда.

2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, банк томонидан муомалага чиқарилган пластик карталар сони 1 млн. 234 мингтани, шундан, «он-лайн» тизимида ишловчи «Smart Vista» пластик карталари сони 524 мингтани ташкил этди. Улардан фойдаланиш учун жойларга ўрнатилган терминаллар сони 17 489 тага етди. Бундан ташқари, 15 та банкومات ва 74 та инфокиосклар ҳам самарали ишлаб турибди. Ҳисобот даврида мазкур тўлов воситалари орқали ўтказилган тўлов амалиётлари 3 трлн. 156 млрд. сўмни ташкил қилди.

Наргиз АҲМЕДОВА.

OBOD MANZILLAR

Қишлоқлар ободлигида банк иштироқи

Юртимизда қишлоқлар қиёфасини замонавий архитектура асосида тубдан ўзгартириш ва янгилаш, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш, кўркам турар жойлар, инфратузилма объектларини барпо этиш, худудларни янада обонлаштириш жараёнида «Қишлоқ қурилиш банк» ўзининг молиявий хизматлари билан фаол иштирок этиб келмоқда.

2014 йил учун тасдиқланган Давлат дастурига мувофиқ, «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ иштироқида қурилиши молиялаштирилаётган уй-жойларга 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, жами 1 266,5 млрд. сўм, шундан 753,4 млрд. сўм миқдорида имтиёзли ипотека кредит маблағлари пудрат ташкилотларини молиялаштириш учун ўтказиб берилди.

«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ ташкил этилганидан буён ўтган 2009-2014 йиллар давомида банк иштироқида молиялаштирилаётган 39 720 та уй-жой қурилиши учун аҳолининг 1 772,5 млрд. сўмдан зиёд маблағлари ҳамда марказлаштирилган маблағлари ҳисобидан 2 585,3 млрд. сўм миқдорида имтиёзли ипотека кредитлари йўналтирилганлигини қайд этиш лозим.




500 млн. АҚШ доллари миқдоридидаги «Ўзбекистонда қишлоқ жойларида уй-жойлар қурилиши ривожлантириш» лойиҳасини кўп траншли молиялаш дастури маъқулланди ва бугунги кунда Осиё тараққиёт банки томонидан ажратилган 362,4 млн. АҚШ доллари миқдоридидаги маблағлар «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ томонидан ўзлаштирилиб, уй-жойлар қурили-

тибдаги уй-жойлар, ташки муҳандислик ва транспорт коммуникациялари, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларини қуриш Дастури маъқулланган бўлиб, ушбу қарорга асосан 2015 йилда республикамиз худудларида 12 мингта уй-жой қурилиши кўзда тутилган. Мазкур Дастур доирасида намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қурилишини молиялаштиришда жорий йилда ҳам банкнинг фаол иштирок этиши таъминланади.

Шу билан бирга, хорижий молиявий институтлар билан ҳамкорликни давом эттирган ҳолда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилишини молиялаштириш мақсадлари учун Осиё тараққиёт банки томонидан жорий йилда ажратилаётган 100,0 млн. АҚШ доллари миқдоридидаги учинчи транш қарз маблағларини ўзлаштиришда уй-жой қурилишини молиялаштиришда иштирок этувчи бошқа банклар қаторида «Қишлоқ қурилиш банк»нинг ҳам изчил иштироқи мақсад қилинган.

Ширин БАЙСЕНОВА.



Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мазкур стратегик муҳим вазифани амалга оширишда кўплаб нуфузли халқаро молия институтлари ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, 2011 йилда Осиё тараққиёт банки томонидан жами

шени молиялаштиришга йўналтирилди.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 7 январдаги ПҚ-2282-сонли Қарори билан 2015 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тар-

Мазкур уй-жойларнинг қурилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 14 апрелдаги 70-сонли йиғилиш баёни ва топшириғига асосан «Алоқабанк» акциядорлик-тижорат банки томонидан молиялаштирилди.

Президентимиз томонидан 2014 йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2124-сонли Қарорга асосан ёшларнинг мустақил ҳаёт йўлидаги эзгу ва қатъий мақсадларини рўёбга чиқариш, ўз орзу-истак ва иқтидори, қолаверса, эгаллаган касб-ҳунарлари бўйича тадбиркорлик билан шуғулланишларига қулай шарт-шароит яратилди. Мазкур Қарорга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган

Ёш оилалар учун янги уйлар

Тошкент вилоятининг Олмалик ва Ангрен шаҳарларида 2 та, ҳар бири беш қаватли жами 65 хонадондан иборат «Камолот» уйлари фойдаланишга топширилди.



«Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада

қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 250-сонли қарорда турар жой шароитларини яхшилашга муҳтожлар сифатида ҳисобда турган ҳамда фан, санъат, адабиёт, спорт ва бошқа соҳаларда юксак натижаларга эришган ёш оилалар учун кўп квартиралар «Камолот» уйлари билан бунёд этилиши белгиланди.

Замонавий уйлар кўпаймоқда

Маълумки, қишлоқ аҳолисини ҳар томонлама қулай уй-жойлар билан таъминлаш, янги массивлар атрофида инфратузилма яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани, энг аввало, одамларнинг кайфияти ва дунёқарашига, уларнинг турмуш даражасига ижобий таъсир кўрсатапти.

Бу жараёнда Янгиариқ туманидаги «Қизилойқурилиш» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Улар томонидан 2014 йили Остона қишлоғининг «Чақир» маҳалласида 24 та янги уй қурилди. Турар жойларнинг табиий иқлим шароитига мослиги, бунёдкорлик ишларида маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланилгани эса уйларнинг ҳар томонлама қулай ва арзон бўлишини таъминламоқда.


– Қишлоқларда пишиқ гиштан барпо этилаётган, шифтлари баланд, хоналари ёруғ уйлар барчага манзур бўлаяпти, – дейди «Қизилойқурилиш» МЧЖ раҳбари Бахтиёр Сафоев. – Улар сифатлиги ва шароитининг қулайлиги билан шаҳарлардаги уйлاردан асло қолишмайди.

Ҳақиқатан ҳам, Хоразм вилоятида намунавий уй-жойлар ва улар атрофида инфратузилма объектлари қурилиши бугунги кун талаблари асосида олиб борилмоқда. Ўтган йили 28 та қишлоқ массивида 807 та уй-жой қурилган бўлса, 83 та қурилиш ташкилоти томонидан 126,8 млрд. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Намунавий уй-жой массивларига 23,1 километр табиий газ, 22,4 километрлик электр линияси, 51,4 километр узунликда тоза ичимлик суви тармоқлари тортилди. 26,7 километр масофадаги ички йўллар қурилиши тугалланди.

Ҳазорасп, Хонқа ва Хива туманларидаги массивларда

ишлаб чиқариш, савдо, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари билан жиҳозланган учта гузар фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган уй-жой мавзеларида битта савдо мажмуаси, бозорча, нон ва нон маҳсулотлари тайёрлаш цехи, бешта маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси иш бошлади.

Жорий йилда эса 22 та қишлоқ массивида намунавий лойиҳалар асосида яна 865 та уй-жой қурилади. Жами 77,8 километрлик ичимлик суви, табиий газ, электр тармоқлари ўрнатилиб, инфратузилма объектлари ишга туширилади.



Қурувчилар янги уйларнинг умумий қиймати 155,7 млрд. сўмни ташкил этишини қайд этмоқдалар. Турар жой массивларининг 8 таси янгидан ташкил этилаётгани қишлоқларнинг янада чирой очишига хизмат қилиши шубҳасиз.

«Туркистон-пресс» НАА.

Ҳозирда ушбу турдаги уйларнинг қурилишини молиялаштириш «Асака» давлат акциядорлик-тижорат банки, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ, «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ, «Алоқабанк» АТБ, «Ипотека-банк» АТБ, Давлат-тижорат Халқ банки, «Трастбанк» ХАББ каби молия муассасалари томонидан фаол равишда амалга оширилмоқда.

Хусусан, «Алоқабанк» АТБ Тошкент шаҳрининг Учтепа ва Тошкент вилоятининг Оҳангарон, Бўстонлик туманларида ҳамда Олмалик, Ангрен, Бекобод шаҳарларида 175 хонадондан иборат жами 6 та «Камолот» уйлари қурилишини молиялаштирмоқда. Уларнинг 2 таси фойдаланишга топширилган бўлса, яна биттасида (Бўстонлик туманидаги) қурилиш ишлари якунланиш арафасидадир.

Наргиз АХМЕДОВА.

BANK VA TADBIRKOR

Кредитлар ёшлар келажагига пойдевор бўлмоқда

Юртбошимизнинг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 4232-сонли Фармони ижроси юзасидан таълим муассасаларини битирган ёшларни иш билан таъминлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш борасида банк режа асосида иш олиб бормоқда. Худудларда кўргазмали семинарлар ташкил этилиб, «Бизнесда тажриба ва амалиёт уйғунлиги», «Банкнинг имтиёзли кредит хизматлари», «Бошланғич сармоя микрокредитларидан фойдаланиш самардорлиги» мавзуларида ёшларнинг тадбиркорликка оид билим ва кўникмалари оширилди.

– Мен ҳам коллежни битириш арасида ўз мустақил ҳаётимга пойдевор қўйишга аҳд қилдим, – дейди **Жиззах тумани Учтепа қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи битирувчиси Саъдулла Муқумбоев**. – Коллежимизда ўтказилган учрашувда банк ходимлари томонидан берилган ахборот ва маслаҳатлар тад-

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, соҳага ёшлар, хусусан, касб-хунар коллежлари битирувчиларини кенг жалб этишда тижорат банклари фаолияти яққол кўзга ташланмоқда. Бунга «Агробанк» акциядорлик-тижорат банки томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳам далил бўла олади.



биркорлик фаолиятига қизиқиб, бизнес-ғоя устида ишлашимга туртки бўлди. Ҳозирда нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган мўъжазгина цехим бор. Уни ишга туширишда «Агробанк» АТБнинг Жиззах филиали (6 млн.



сўм) молиявий мададига таяндим. 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, «Агробанк» АТБ томонидан республикамиз бўйлаб касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш ва уларнинг тадбиркорлик йўналишидаги лойиҳалари-

ни молиялаштиришга 28,2 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди.

– Бугунги кунда коллежлар мен каби ёшларни муайян касбга йўналтираётган бўлса, тижорат банклари эгаллаган хунарларимиз бўйича мустақил иш бошлашга моддий мадад кўрсатувчи муассасага айланди, – деди **Олтинсой туманидаги якка тартибдаги тадбиркор Зарифа Жўраева**. – Коллежда устозларимдан тикиш-бичиш бўйича олган сабоқларим асосида аҳоли ҳамда ташкилотларга тикувчилик хизматлари кўрсатишни йўлга қўйдим. Бу борадаги лойиҳамни «Агробанк» АТБнинг Олтинсой филиали молиялаштириб, 45 млн. сўм ҳажмида кредит ажратди. Ушбу маблағ эвазига замонавий тикув машиналари ҳамда хомашё сотиб олинди. Айни пайтда тенгдош дугоналарим билан корхона ва ташкилотлар ишчи-ходимлари учун буюртма асосида махсус кийим-кечаклар, шунингдек, аҳоли учун тўй ва оқшом либослари тикиш билан машғулмиз.

Назира МАВЛОНОВА.

«Микрокредитбанк» фаолияти ёшлар орзусига ҳамоҳанг

Юртимизда ёшлар ва ёш оилаларни моддий ҳамда маънавий қўллаб-қувватлашга оид турли қонун ва қонуности ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, улар ижросида давлат ва жамоат ташкилотлари қатори тижорат банклари ҳам ташаббус кўрсатмоқда. Айтиш жоиз, бундай хайрли ишлар «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки фаолиятида ҳам акс этмоқда.

Муассаса Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 4232-сонли Фармони талабларидан келиб чиқиб, касб-хунар коллежларини битириб чиққан, айнан эгаллаган касблари бўйича тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагида бўлган йигит-қизларга бошланғич сармоя микрокредит-

ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида амалга ошираётган турли лойиҳалар иштирокчиларига тақдим этилди. Булар «Банк ва коллеж ҳамкорлиги», «Ёш тадбиркор – юртга мададкор», «Менинг бизнес ғоям», «Диплом билан бизнесга» лойиҳалари ҳамда «Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш» дастури бўлиб, унинг асосида ёшлар, хусусан, касб-хунар коллежлари битирувчилари учун иқтисодий,

бозорида мен ишлаб чиқармоқчи бўлган маҳсулотга ўрин йўқдек туюлаверди. Шундай кунларнинг бирида «Микрокредитбанк» АТБ томонидан ташкил этилган семинарда иштирок этдим ва тадбиркорликда билим ва қобилият нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини англадим. Ўқиб, изландим, бозор конъюктурасини ўргандим. Ҳозирда ўндан ортиқ тенгдошим билан қишлоқ жойларда қурилаётган намунали уй-жойлар учун темир дарвоза ва панжаралар ишлаб чиқараяпмиз. Лойиҳамни (25 млн. сўмлик) «Микрокредитбанк»нинг Бухоро вилояти Янгибозор филиали молиялаштирди.

Банк шунингдек, ёшлар манфаатларини ҳимоялашда ёш оилаларга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу йўналишда муассасага Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 3878-сонли Фармони дастуриламал бўлмоқда. Банк Фармон талабларидан келиб чиқиб, ёш оилаларга уй-жой ва рўзгор буюмларини имтиёзли равишда сотиб олиш учун истеъмол, ипотека ва микрокредитлар ажратмоқда. Хусусан, 2014 йил давомида банк жами 5 891 та ёш оилага 42,1 млрд. сўм миқдоридан истеъмол ва ипотека кредитлари ажратди, 30,1 млрд. сўмлик микромолиявий хизматлар кўрсатди.

Эъзоз КАМОЛОВА.

Банкнинг молиявий хизматлари

Мамлакатимизда ишбилармонлар сафини янада кенгайтириш, бу орқали янги иш ўринларини яратиш ва маҳаллий аҳоли бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларда тижорат банкларининг ўрни аҳамиятлидир.

Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини янада ривожлантиришга юртимиз банклари томонидан кўрсатилаётган молиявий хизматлар мазкур соҳанинг изчил ривожини учун хизмат қилмоқда.

«Туркистон» хусусий акциядорлик-тижорат инвестиция банки ҳам ушбу жараёнларда муайян чора-тадбирларни амалга ошириб, иқтисодийнинг реал сектори корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаб келмоқда. Хусусан, 2014 йилнинг ўзида банк томонидан тадбиркорлик субъектлари учун умумий қиймати 70,2 млрд. сўмга тенг бўлган кредит маблағлари ажратилган бўлса, шундан 74,3 фоизи соҳа субъектларининг лойиҳаларини молиялашга йўналтирилди. Шу билан бирга, кичик бизнес вакиллари учун 3 млрд. сўмдан зиёд микрокредитлаш хизматлари ҳам кўрсатилди.

Банк томонидан касб-хунар коллежи битирувчиларини тадбиркорликка жалб этиш, уларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга қаратилган имтиёзли микрокредитлар банкнинг бу соҳада ҳам фаол иштирокини таъминламоқда. «Соғлом бола йили»да коллеж битирувчилари учун кўрсатилган хизматлар ҳажми режадагидан 1,75 баробар ортиги билан бажарилди. Шунингдек, банк томонидан тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, уларнинг бизнес ғояларини молиялаштиришга банкнинг 353 млн. сўмдан ортиқ кредит маблағлари йўналтирилди.

Бундан ташқари, замонавий, юқори унумли техника ва технология билан жиҳозланган қайта ишловчи корхоналарни ташкил этиш ҳамда рақобатбардош юқори сифатли ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, шу асосда янги иш жойларини шакллантириш мақсадида «Туркистон» ХАТИБ томонидан қатор истиқболли лойиҳалар амалга оширилди. Бу каби лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилган кредит маблағлари кичик бизнесни ривожлантириш учун ажратилган кредитларнинг 16,4 фоизини ташкил этди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга эса банк томонидан қарийб 6,0 млрд. сўм миқдоридан кредит маблағлари ажратилди. Тақдим этилган кредитлар мазкур соҳа вакиллари ўз олдида қўйган мақсадларига эришишида асосий молиявий дастак вазифасини бажармоқда.

Мухтасар айтганда, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш борасида республикамиз тижорат банклари қаторида «Туркистон» ХАТИБ ҳам ўз сармоялари билан муваффақиятли иштирок этди.

Рашид МИРЗАКАРИМОВ.

2014 йил давомида банк жами 5 891 та ёш оилага 42,1 млрд. сўм миқдоридан истеъмол ва ипотека кредитлари ажратди, 30,1 млрд. сўмлик микромолиявий хизматлар кўрсатди.

лари ажратиш бўйича чора-тадбирлар режасига эга бўлиб, унга кўра, 2014 йил давомида 37,1 млрд. сўмдан ортиқ миқдорда кредитлар ажратди. Банкнинг ушбу сармоялари кўпроқ Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИХ, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси ҳамда Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази каби ташкилотлар билан ҳамкорликда

ҳуқуқий ва айнан бизнесга оид турли ўқув ва амалий семинарлар ташкил этилди, ўқув жараёнида ўз ишбилармонлик қобилиятини кўрсатган ва тадбиркорликка доир инновацион лойиҳаларни ишлаб чиққан ёшлар рағбатлантирилди.

– Коллежни тамомлаб, ишбилармон бўлишга аҳд қилдим, – дейди **«Оби ҳаёт» хусусий корхонаси раҳбари Ўткир Иноятов**. – Бироқ, қанчалик ўйламай истеъмол

SUG'URTA BOZORI

Фаолият якунлари ва вазифалар таҳлили

«Кафолат» давлат-акциядорлик суғурта компанияси (АЖ) да муассасанинг 2014 йилдаги фаолияти якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган устувор вазифалари муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирда «Кафолат» ДАСК худудий бўлинмалари раҳбарларининг 2014 йилда компания молиявий-иқтисодий ривожланишининг прогноз кўрсаткичлари бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботлари тингиланди.

Фаолият сарҳисоби чоғида 2014 йил компания томонидан муваффақиятли ўтгани, хусусан, барча иқтисодий-молиявий кўрсаткичларда ўсиш суръатлари намоён бўлгани қайд этилди. Жумладан, ҳисобот даврида мазкур суғурта ташкилоти томонидан 579,1 мингта суғурта шартномаси имзолангани, суғурта мукофотлари ҳажми 2013 йилга нисбатан 135,3 фоизга ўсгани, шунингдек, мажбурий ва ихтиёрий суғурта турлари бўйича йилган суғурта мукофотлари 42,1 млрд. сўмни ташкил этгани маълум бўлди.

Бундан ташқари, 2014 йилда «Кафолат» ДАСК томонидан аҳоли, корхона ва ташкилотларга кўрсатилган суғурта хизматларининг умумий ҳажми салкам 15,4 трлн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилги кўрсаткичга нисбатан 1,5 бараварга ортди. Суғурта захиралари ҳажми 126,2 фоизга ўсиб, 30 млрд. сўмни ташкил қилди. Жами

3 мингта ариза бўйича салкам 6,7 млрд. сўмлик суғурта тўловлари амалга оширилиб, бу ўрта ҳисобда кунига 8 та суғурта тўловларига тўғри келди. Тўловларнинг асосий қисми иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш ҳамда ихтиёрий суғурта турларидан автотранспорт воситаларини суғурталаш, жисмоний шахслар мулки ва гаровга қўйилган мулкни суғурталаш, шунингдек, шахсий суғурта турларига тўғри келади.

Компаниянинг ҳисобот даврида эришган ютуқлари миқдорий кўрсаткичлар билан бирга, молиявий-иқтисодий натижаларининг сифат кўрсаткичларида ҳам ижобий қайд этилганлигини кўрсатди. Чунончи, компания устав капитали 26,2 млрд. сўмга шакллантирилиб, республика суғурта бозорида пешқадамлардан бирига айланди. Инвестиция қўйилмаларининг умумий ҳажми таққосланаётган даврга нисбатан 112,4 фоизга ўсиб, 32,5 млрд. сўмни ташкил этди. Инвестицион фаолиятдан олинган даро-

мадлари 15,3 фоизга ошиб, 3,8 млрд. сўмга етди. Шунингдек, компаниянинг актив кўрсаткичларида ҳам ижобий ўсиш суръати (157,6 фоиз) юзага келиб, рақамлар кесимида 62,1 млрд. сўмни қайд этди.

Йиғилишда «Кафолат» ДАСК томонидан бошқа устувор вазифаларнинг амалий ижросига ҳам тўхталинди. Ташкилот инфратузилмаси ва хизматлар кўламини кенгайтириш борасидаги натижалар сарҳисоб қилинди. Унда 2014 йилда республика миқдори турли ҳудудларида компаниянинг 10 та янги бўлинмаси ишга тушганлиги, «Оилавий», «Болажон» ва «Саломатлик» номли янги суғурта маҳсулотлари амалиётга татбиқ этилганлиги маълум қилинди.

Тадбирда баъзи йўналишлар бўйича натижалар танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқилди, суғурта фаолиятини келгусида янада такомиллаштириш йўллари белгилаб олиниб, компания иш режаларига зарур қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Бу борада кадрлар сиёсатини самарали юритиш, ахборот-коммуникация технологиялари асосида янги хизматларни жорий қилиш ҳамда компаниянинг айна пайтдаги барқарор рейтинг кўрсаткичларини сақлаб қолиш бўйича чора-тадбирларни кучайтиришга алоҳида урғу берилди.

Гулшан ЮСУПОВА.

Барқарор ўсиш суръати

«Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси фаолиятининг 2014 йил якунлари эълон қилинди. Унга мувофиқ, компанияда 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, экспорт номенклатураси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 18 фоизга ошганлиги маълум бўлди.

Шу билан бирга, ушбу даврда муассасада соҳанинг бошқа йўналишлари бўйича ҳам белгиланган прогноз-режалар юқори кўрсаткичларни қайд этди. Жумладан, компания тизимида 150 мингдан ортиқ суғурта шартномалари тузилди, йиғилган суғурта мукофотлари ҳажми 140,7 фоизга ўсиб, 60,4 млрд. сўмга етди, шунингдек, амалдаги суғурта шартномалари бўйича қабул қилинган суғурта мажбурийлари 273,3 фоизга ўсиб, 129,2 трлн. сўмдан ошди.

Ҳисобот даврида экспорт суғуртаси бўйича жами 220 та суғурта полиси берилиб, ўсиш 188 фоизни ташкил қилди.

Маълумки, «Ўзбекинвест» ЭИМСК республика миқдорида инвестиция жараёнларида фаол. Муассаса 2014 йилда Инвестиция дастурига киритилган 81 та лойиҳа бўйича жами 12,7 трлн. сўм миқдорида суғурта хизматларини тақдим этиб, мазкур йўналишдаги параметрларини 155 фоизга бажарди.

Бундан ташқари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан жами 8690 та суғурта шартномаларини тузиб, 3,2 млрд. сўмдан (ўсиш 123 фоиз) ортиқ суғурта мукофотларини йиғди, 941 млрд. сўмдан ортиқ (ўсиш 124 фоиз) суғурта химоясини тақдим этди. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғуртаси бўйича ўтган даврда жами 81 290 та суғурта шартномалари тузилиб, 3 млрд. 321 млн. сўмлик суғурта мукофотлари йиғилди.

Компаниянинг 2014 йилдаги ялпи тушумини тақсимлайдиган бўлсак, унда мулк суғуртаси энг катта (22,13 фоиз) улушни, кейинги ўринларда эса, транспорт воситаларининг бошқа турлари бўйича суғурта 21,75 фоизни, жавобгарлик суғуртаси 11,1 фоизни, иш берувчиларнинг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғуртаси 8,49 фоизни, қурилиш-монтаж қалтисликларини суғурталаш 5,18 фоизни, бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш 8,06 фоизни, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш 5,5 фоизни ташкил этди.

Жами йиғилган суғурта мукофотлари бўйича эса компания бош офиси томонидан йиғилган мукофотлар 60,7 фоизга (36,6 млрд. сўм), худудий филиаллар томонидан йиғилган мукофотлар 39,3 фоизга (23,7 млрд. сўм) тенг бўлди.

«Ўзбекинвест» ЭИМСК жорий «Кексаларни эъзозлаш йили»да ҳам ўз фаолиятини янада кенгайтиришни режалаштирган.

Ширин БАЙСЕНОВА.


Йил сарҳисоби ва истиқбол

Юртимизда суғурта соҳасига доир хизматлар жобадорлиги йилдан-йилга ошиб, тизимда ижобий ўзгаришлар юзага келмоқда. Буни суғурта бозори иштирокчилари қўлга киритаётган натижалар ҳам ифодалайди.

Хусусан, 2014 йилни «Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик суғурта компанияси (АЖ) самарали якунлади. Муассаса томонидан йиғилган суғурта мукофотлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 134,3 фоизга ошди.

Йил якунларига бағишлаб ўтказган йиғилишда, шунингдек, компаниянинг 2014 йил давомида бошқа йўналишлар бўйича ижобий кўрсаткичлари қайд этилди. Хусусан, ҳисобот даврида компания томонидан 4 017 551 та суғурта шартномаси имзоланди, 83,07 млрд. сўмлик суғурта тушуми таъминланди, 35,4 трлн. сўмлик суғур-

қонунлари ижросини таъминлаш мақсадида 2014 йилда амалга оширган чора-тадбирлари таҳлил қилинди. Унда таъкидланишича, ўтган даврда ТЭФЖМС бўйича 6176,5 млрд. сўмлик суғурта жавобгарлиги олиниб, 28,6 млрд. сўмлик суғурта мукофоти йиғилган. Суғуртанинг ушбу тури бўйича тўлаб берилган суғурта қопламалари ҳажми 2574,2 млн. сўмни ташкил этган. ИБФЖМС бўйича эса, 8 710,6 млрд. сўмлик суғурта жавобгарлиги олиниб, 10,4 млрд. сўм суғурта мукофоти таъминланган ва 3549,0 млн. сўмлик суғурта қопламалари тўлаб берилган.



та жавобгарлиги олинди. Ушбу даврда йиғилган жами суғурта мукофотларининг 172 фоизи юридик шахслар суғуртасига, 155 фоизи иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталашга, 135,7 фоизи қишлоқ хўжалиги таваккалчиликлари суғуртасига, 128,8 фоизи автофуқаролик жавобгарлигини суғурталашга ҳамда 112,1 фоизи аҳоли суғуртасига тўғри келди.

Суғурта қопламаларининг таққосланаётган йилга нисбатан ўсиши 163,3 фоиз бўлиб, шундан юридик шахслар суғуртаси 433,5 фоиз, қишлоқ хўжалиги таваккалчилиги суғуртаси 431,9 фоиз, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш 318,6 фоиз, автофуқаролик жавобгарлигини суғурталаш 122,3 фоиз ҳамда аҳоли суғуртаси 104,1 фоизни ташкил қилди.

Компания томонидан суғурта шартномалари бўйича олинган жавобгарлик эса, 2014 йилда 142,7 фоизга ортган.

Ҳисобот йиғилишида «Ўзагросуғурта» ДАСКнинг Ўзбекистон Республикасининг транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш (ТЭФЖМС) ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш (ИБФЖМС) бўйича

Суғурта шартномалари бўйича қишлоқ хўжалиги таваккалчилиги суғуртасига 3565,6 млн. сўм, аҳоли суғуртасига 2436,6 млн. сўм, юридик шахслар суғуртасига 517,6 млн. сўм, автофуқаролик жавобгарлигини суғурталашга 2574,2 млн сўм ҳамда иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталашга 3549,0 млн. сўм, жами 13,9 млрд. сўмлик суғурта товлари тўлаб берилди. 1400 та қайта суғурталаш слиплари имзоланди, 10 трлн. сўм миқдорида суғурта жавобгарлиги олинди.

2014 йилда компаниянинг инвестиция портфели ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 108 фоизга ўсиб, 59,3 млрд. сўмни ташкил этди. Компания тизимида 342 та янги иш ўрни яратилди.

Таъкидлаш жоиз, «Ўзагросуғурта» ДАСК бугунги кунда республика суғурта бозорининг фаол иштирокчиларидан бири саналади. Муассаса жамоа аъналарини ва мижозларга хизмат кўрсатишдаги кадрларни янада бойитиб, бозордаги мавқеини мустаҳкамлаш йўлида чуқур излашлар олиб бормоқда. Мажлис сўнггида компаниянинг яқин истиқболдаги устувор вазифалари белгилаб олинди.

Юлдуз ЗОКИРОВА.

QONUNCHILIKDAGI YANGILIKLAR

Янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тақдим этамиз

АКТни қўллаш даражаси — раҳбарга баҳо бериш мезони

Жорий йилнинг 4 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4702-сонли Фармон имзоланди.

Вазирлик Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси негизида ташкил қилинди. У Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг барча мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вояси ҳисобланади.

Ҳужжат билан вазирликнинг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишлари белгиланди. Шунингдек, белгиланишича:

Ахборот технологиялари

ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари вазирликлар, идоралар, компаниялар, уюшмалар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади;

вазирликлар, идоралар, компаниялар ва уюшмаларнинг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлари ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича комплекс

дастурларнинг ўз вақтида ва тўла-тўқис амалга оширилиши, «электрон ҳукумат» хизматлари ва ахборот тизимлари жорий этилиши учун шахсан жавобгар бўладилар;

иктисодиёт тармоқлари ва соҳаларига ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда интерактив давлат хизматлари татбиқ этилиши даражаси, самарадорлиги ва сифатига баҳо бериш натижалари вазирликлар, идоралар, компаниялар, уюшмалар, йирик корхоналар ва бирлашмалар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг эгаллаб турган лавозимларига муносиб эканликларини кўриб чиқиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Чет тиллар ўқитувчилари тестдан ўтказилади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг буйруғи (Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 28 январда 2520-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Чет тиллар ўқитувчиларининг базавий лавозим маошларига ойлик устама белгилаш учун тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ҳужжатга мувофиқ тест синовларида иштирок этиш ихтиёрий бўлиб, ўқитувчининг истагига кўра амалга оширилади.

Давлат тест маркази томонидан бериладиган Чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги малака сертификати бўйича С1 даражасига (чет тилини билишга доир бошланғич малака даражаси); IELTS (International English Language Testing System – инглиз тилида тестдан ўтказиш халқаро тизими) сертификати бўйича 7,0 балл ва ундан юқори баллга;

TOEFL (Test of English as a Foreign Language) (IBT) сертификати бўйича 110 балл ва ундан юқори баллга;

Test DaF (Test Deutsch als Fremdsprache für ausländische Studienbewerber);

GOETHE-ZERTIFIKAT;

DALF (Diplome approfondi de langue française); DELE (Diplomas de Español como Lengua Extranjera) сертификатлари бўйича С1 даражасига эга бўлган ўқитувчилар мазкур ҳужжатларнинг амал қилиш муддати давомида тест синовидан ўтишлари талаб этилмайди.

Ўқиш бўлими бўйича 30 та саволни бажариш ва белгилаш учун 60 дақиқа (илгари – 75 дақиқа), 2 та мавзудан иборат ёзиш бўлими бўйича топшириқларни бажариш учун 60 дақиқа (илгари – 45 дақиқа) вақт берилади. Чет тилини ўқитиш методикаси бўйича тест синовлари ўтказилмайди.

Белгиланишича, Давлат тест маркази (ДТМ) томонидан тест синовларида иштирок этиш учун аризалар ҳар йили апрель ва ноябрь ойларига қабул қилинади.

Шунингдек, тест синовлари жараёни видеотасвирга олинади ва у ДТМда 1 йил давомида сақланади (илгари – 3 йил сақланар эди).

Тест синовларидан муваффақиятли ўтмаган ёки тестда иштирок этиш учун ариза бериб, тест синовидан узрсиз сабабларга кўра қатнашмаган ёхуд тест синовига кечикиб келган ҳамда тест синовидан четлаштирилган ўқитувчи камида бир йилдан кейин тест синовларини навбатдан ташқари қайта топшириши мумкин. Илгари мазкур шарт тест синовлари-

дан ўтолмаган ўқитувчиларга ҳам татбиқ этиларди.

Илгаригидек, кечикиб келганлар тест синовларига қўйилмайди. Тест синовларига узрли сабабларга кўра (касаллиги, хизмат сафарида бўлганлиги ва ҳ.к.) келмаган ўқитувчилар узрли сабаб юз берганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этган тақдирда, тест синовларини топшириш учун тўлов ундирилмаган ҳолда умумий асосларда қайта мувожаат қилишлари мумкин. Бироқ бунда улар мазкур сабабларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этишлари керак.

Белгиланишича, чет тилидан малака ва уни билиш даражаси бўйича тест синовидан ўтганлик ҳақида маълумотнома барча турдаги таълим муассасалари учун бир хил кучга эга.

Ҳужжат билан бошқа қатор ўзгартиришлар киритилди.

Буйруқ «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 2015 йил 2 февралдаги 4 (660)-сонидан расман эълон қилинган кундан кучга кирди.

Эслатиб ўтамоқчи, Таълим муассасаларининг қўшимча тўловлар белгиланган педагог ходимлари лавозимлари рўйхати, мазкур тўловларнинг турлари ва миқдорларининг (Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 сентябрдаги 490-сонли қарорига 3-илова) 3-бандига мувофиқ таълим муассасаларининг чет тиллар, хорижий филология, чет тили ва таржима йўналишларининг касбий ва махсус фанлари профессор-ўқитувчилари ва ўқитувчиларининг лавозим маошларига:

қишлоқ жойларда жойлашган таълим муассасаларида – тариф ставкасининг 30 фоизи миқдориди;

қолган таълим муассасаларида – тариф ставкасининг 15 фоизи миқдориди ойлик устамалар белгиланади.

Бунда куйидагилар мажбурийдир: асосий ишидан ажралган ҳолда камида 144 соат давом этадиган дастур бўйича белгиланган тартибда малака ошириш;

Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовларидан ўтиш;

малака ошириш тўғрисидаги давлат намунасидаги сертификатни олиш.

Вазирлик

тузилмаси тасдиқланди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 февралдаги ПҚ-2293-сонли Қарори билан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг самарали фаолиятини ташкил қилиш мақсадида куйидагилар тасдиқланди:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ташкилий тузилмаси;

Вазирликнинг бошқарув ходимлари чекланган сони 89 кишидан иборат бўлган марказий аппарати тузилмаси; ҳудудий бошқармаларининг намунавий тузилмаси.

Вазирлик фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб куйидагилар белгиланди:

жорий таъминот қисмида – Республика бюджети маблағлари;

давлат буюртмаси доирасида бажариладиган ахборотлаштириш дастурларини амалга ошириш, шунингдек, ходимларни қўшимча равишда моддий рағбатлантириш қисмида – Республика ва маҳаллий бюджетларнинг, шунингдек, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жағфармасининг ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбаларнинг маблағлари.

Вазирликка бошқа манфаатдор давлат органлари билан биргаликда Давлат хизматлари, шакллари ва бланклари ягона реестри тўғрисидаги Низомни ўрнатилган тартибда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш топширилди.

Ҳужжат билан белгиланишича, 2015 йилнинг 1 октябрдан бошлаб аҳолига ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган барча давлат хизматлари Давлат хизматлари, шакллари ва бланклари ягона реестрида мажбурий тартибда ҳужжатлаштирилиши ва қайд этилиши лозим.

Шунингдек, таъкидланишича, замонавий АКТларни жорий этиш ва ривожлантириш учун масъул бўлган вазирликлар, идоралар, компаниялар ва уюшмалар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ихтисослаштирилган таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишилган ҳолда лавозимга тайинландилар.

Вазирлар Маҳкамасига Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш топширилди.

Янги акциз маркалари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 11 февралдаги 20-сонли қарори билан 2015 йил 1 апрелдан бошлаб алкоғолли маҳсулотларга ва тамаки маҳсулотларига ҳимоянинг қўшимча даражаларига эга бўлган янги намунадаги акциз маркалари жорий этилади.

Уларнинг дизайни Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Эски намунадаги акциз маркалари 2015 йил охирига қадар амал қилади. 2016 йилдан бошлаб эски намунадаги акциз маркали алкоғолли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари маркаланмаган деб ҳисобланади ва белгиланган тартибда олиб қўйилади.

Ҳужжат билан:

– Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасига 2016 йил 1 январдан бошлаб эски намунадаги акциз маркалари билан маркаланган алкоғолли маҳсулотлар ва та-

маки маҳсулотлари олиб кирилиши, ишлаб чиқарилиши ҳамда сотилиши олдини олиш ҳамда уларни олиб қўйиш чора-тадбирларини кўриш;

– Давлат божхона қўмитасига янги намунадаги акциз маркалари жорий этилиши тўғрисидаги зарур ахборотни алкоғолли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари импорти килувчилар эътиборига етказиш;


– Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига янги намунадаги акциз маркалари жорий этилиши тўғрисидаги зарур ахборотни алкоғолли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва савдо корхоналари эътиборига етказиш топширилди.

ТАHLIL

Ўзбекистон саноати — 2014 йилги ривожланиш яқунлари

Саноат ва ялли ички маҳсулот

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг дастлабки маълумотларига кўра, 2014 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон ялли ички маҳсулоти (ЯИМ) ҳажми 144 867,9 млрд. сўмни ташкил этди, бу 2013 йилнинг шу давридаги кўрсаткичдан 8,1 фоизга юқоридир. Жорий даврда саноатдаги ўсиш 8,3 фоизни ташкил этди, бу ЯИМ ўсишининг асосий омилларидан биридир.




2010-2014 йилларнинг январь-декабрь ойларида ЯИМ ишлаб чиқаришнинг ўртача ўсиши йилига 8,2 фоизни ташкил этди, айти пайда саноатда ишлаб чиқариш ҳажми сустроқ ўсиб, 8,1 фоизни ташкил этди. Агар 2010-2012 йиллар давомида ЯИМ ўсиш суръатлари саноатдаги ўсиш суръатларидан мунтазам ошган бўлса, сўнги 2 йилда саноатдаги ишлаб чиқариш ўсиш суръатлари ЯИМ билан солиштирганда юқорироқ бўлган. 2014 йил январь-декабрь ойлари яқунларига кўра, ЯИМ ҳажми 2010 йил январь-декабрь ойларидаги ҳажмдан 36,8 фоизга ошди, саноат маҳсулотлари ҳажми эса 36,3 фоизга юқори бўлди.

Саноат тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши

2014 йилда қора металлургия (ишлаб чиқариш ҳажми 2013 йилги кўрсаткич билан солиштирганда 116,5 фоизни ташкил этди), энгил саноат (116,1 фоиз), машинасозлик ва металлга ишлов бериш (113,5 фоиз), ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати (112,3 фоиз) ҳамда қурилиш материаллари саноати (110,7 фоиз) каби саноатнинг тузилма ҳосил қилувчи тармоқлари динамик ривожланиши таъминланди.

2011-2014 йиллар давомида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўртача йиллик ўсиши машинасозлик ва металлга ишлов бериш (16,1 фоиз), ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати (13,6 фоиз), қурилиш материаллари саноати (12,6 фоиз) ҳамда энгил саноат (11,2 фоиз) сингари тармоқларда юқори бўлди.



Саноат тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқариш таркиби

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибида машинасозлик ва металлга ишлов бериш энг катта улушга эга, 2014 йил январь-декабрь ойларида тармоқ улуши умумий ҳажмда 19,7 фоизни ташкил этди (2013 йил январь-декабрь ойларида 18,8 фоиз). Озиқ-овқат (16,0 фоиз), энгил (14,0 фоиз) ва ёқилғи (13,1 фоиз) саноати ҳам катта улушга эга.



Машинасозлик

2014 йилнинг январь-декабрь ойларида машинасозлик тармоғи маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 14 828,3 млрд. сўмни ташкил этди, бу 2013 йилнинг шу давридаги кўрсаткичдан 13,5 фоизга кўпдир. Республика саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмида тармоқнинг салмоғи 19,7 фоизни ташкил этди, бу 2013 йилнинг январь-декабрь ойларидагига қараганда 0,9 фоизли бандга юқоридир.



Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби


	2011 йил январь-декабрь	2012 йил январь-декабрь	2013 йил январь-декабрь	2014 йил январь-декабрь	
Истеъмол товарлари	млрд. сўм	15 166,5	18 292,7	25 601,6	29 787,5
шу жумладан:					
озиқ-овқат	млрд. сўм	6 664,6	7 790,0	11 096,0	12 739,1
ноозиқ-овқат	млрд. сўм	8 501,9	10 502,7	14 505,6	17 048,4
	ўтган йилнинг январь-декабрига нисбатан фоизда	111,1	107,8	114,7	109,4
	ўтган йилнинг январь-декабрига нисбатан фоизда	114,1	107,5	110,1	108,7
	ўтган йилнинг январь-декабрига нисбатан фоизда	108,9	108,1	118,6	110,0

Ўтган йил билан солиштирганда тармоқ корхоналари томонидан автобусларни – 7,1 фоизга, юк автомобилларини – 8,9 фоизга, поршенли двигателларни ишга туширувчи қўрғошинли аккумуляторларни – 7,3 фоизга, автомобиль двигателларини – 8,8 фоизга, юргизувчи гилдираклар, уларнинг қисмлари ва анжомларини – 10,4 фоизга, радиаторлар, шовқинни пайсайтирувчилар, тутун чиқарувчи қувурлар, уловчи механизмлар, руль гилдиракларини – 22,2 фоизга, совуткичлар ва музлатгичларни ишлаб чиқариш 1,9 баравар ошиши таъминланди.

Энгил саноат

2014 йилнинг январь-декабрь ойларида энгил саноат маҳсулотлари ҳажми 10 555,5 млрд. сўмни ёки 2013 йилнинг шу давридагига нисбатан 116,1 фоизни ташкил этди. Саноат умумий ҳажмида тармоқнинг салмоғи 14,0 фоизни ташкил этди (2013 йил январь-декабрь ойларида – 13,2 фоиз).


2014 йилнинг январь-декабрь ойларида тўқимачилик саноати корхоналари 7 802,6 млрд. сўмлик (2013 йил январь-декабрь ойларида нисбатан 112,7 фоиз), шу жумладан, ип газлама – 2261,4 млрд. сўмлик (123,1 фоиз), трикотаж – 720,4 млрд. сўмлик (115,8 фоиз), ипак ишлаб чиқариш тармоғи корхоналари – 117,0 млрд. сўмлик (114,6 фоиз) маҳсулот ишлаб чиқарди.



Қурилиш материаллари

2014 йилнинг январь-декабрь ойларида қурилиш материаллари тармоғи корхоналари 4 553,8 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди, бу 2013 йилнинг январь-декабрь ойларидаги кўрсаткичдан 10,7 фоиз кўпдир. Тармоқ маҳсулотлари салмоғи саноат умумий ҳажмида 6,1 фоизни ташкил этди.

1-жадвал.




Қора металлургия

2014 йилда қора металлургия саноати корхоналари 1 800,5 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди, бу 2013 йилнинг январь-декабрь ойларидагига нисбатан 116,5 фоизни ташкил этди. Ҳисобот даврида республикада тармоқнинг салмоғи ўтган йилнинг тегишли давридаги 2,3 фоиз ўрнига 2,4 фоизни ташкил этди.



Кимё ва нефть-кимё саноати

2014 йилнинг январь-декабрь ойларида кимё ва нефть-кимё саноатида ишлаб чиқариш ҳажми 4 107,7 млрд. сўмни, ўсиш суръатлари эса 2013 йилнинг январь-декабрь ойларида нисбатан 108,9 фоизни ташкил этди.




Республика минтақаларида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг дастлабки маълумотларига кўра, 2014 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон саноат маҳсулотлари ҳажми 75 193,5 млрд. сўмни ташкил этди, бу 2013 йилнинг шу давридаги кўрсаткичдан 8,3 фоизга юқоридир. Хоразм вилоятида (47,6 фоиз) саноатнинг рекорд даражада ўсиши қайд этилди. Жиззах (15,4 фоиз) ва Самарқанд (15,7 фоиз) вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида (15,8 фоиз) саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш кўрсаткичи 15 фоиздан ортиқни ташкил этди.

STATISTIKA


Биржа савдолари ҳажми 2011-2015 йилларнинг январь ойида, млрд. сўмда



«Тошкент» РФБ биржа айланмасининг кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	2014 йил январь	2015 йил январь
Қимматли қоғозлари билан биржага мурожаат қилган АЖлар сони	23	16
Битимлар сони, донада	77	38
Қимматли қоғозлар сони, млн. донада	30,7	19,4
Битимлар миқдори, млрд. сўмда	6,6	16,1

Қимматли қоғозлар биржа айланмасининг тармоқлар бўйича таркиби 2015 йил январь (яқунига кўра фоизда)



Инвесторлар кесимида биржа айланмасининг таркиби 2015 йил январь (яқунига кўра фоизда)




Биржа савдоларида иштирок этувчи брокерлик идоралари рейтинг, 2015 йилнинг январь ойида

Брокерлик идораси	Битимлар сони, донада	Битимлар умумий миқдори, млн. сўмда
«Kapital-Depozit» МЧЖ	5	18 001,1
«FULL STOCK GROUP» МЧЖ	9	6 603,4
«Alp omad invest» МЧЖ	9	2 954,1
«Universal Depozit» МЧЖ	5	2 914,8
«Portfolio Investments» МЧЖ	3	1 270,6
«TAT REESTR» МЧЖ	3	276,9
«Ҳамкорбанк» АТБ	10	113,8
«Leader Finance» МЧЖ	11	77,5
«Birinci Banklararo Depozitariy» МЧЖ	2	54,9
«ТашИнвестКом» МЧЖ	11	17,2

Листинг компанияларининг «Тошкент» РФБ биржа айланмасидаги улуши, 2011-2015 йилларнинг январь ойи учун

Йил	умумий ҳажмига нисбатан фоизда	
	листинг компаниялари	нолистинг компаниялари
2011 йил январь	74,6	25,4
2012 йил январь	36,4	63,6
2013 йил январь	10,8	89,2
2014 йил январь	99,5	0,5
2015 йил январь	99,5	0,5


РЕПО битимлари биржа айланмасининг тармоқлар бўйича таркиби сўнги 52 ҳафта давомида (яқунига кўра фоизда)



Энг юқори савдолар ҳажми бўйича эмитентлар ТОП 10 лиги, 2015 йил январь

Эмитент номи	Ҳажми, млрд. сўмда
«Ипотека-банк» АТИБ	6,6
«InFinBank» ХАТБ	6,2
«Капиталбанк» АТБ	2,6
«Алоқабанк» АТБ	0,3
«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ	0,3
«Pigment» ҚК АЖ	0,1
«Ҳамкорбанк» АТБ	0,1
«Urganch yog'-moy» АЖ	0,05
«Qizilqumsement» АЖ	0,02
«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ	0,009

Биржа айланмаси динамикаси сўнги 12 ой давомида, млрд. сўмда



Юридик ва жисмоний шахсларнинг битимлар умумий ҳажмидаги нисбати (2015 йил январь учун, ички айлана – битимлар сони, ташқи айлана – битимлар ҳажми, яқунига кўра фоизда)



Биржа савдолари натижалари бўйича инвесторлар ҳақида маълумот 2015 йилнинг январь ойида

Тур	Битимлар сони, донада	Битимлар миқдори, млн. сўмда
Жисмоний шахслар		
Мурожаатлар	21	186,8
Қўшимча эмиссияларни жойлаштириш	0	0
Хусусийлаштириш	0	0
Жами	21	186,8
Юридик шахслар		
Мурожаатлар	15	1595,2
Қўшимча эмиссияларни жойлаштириш	2	6,2
Хусусийлаштириш	0	0
Жами	17	1595,9
Жисмоний шахсларнинг умумий ҳажмидаги улуши	57,8 фоиз	1,2 фоиз
Юридик шахсларнинг умумий ҳажмидаги улуши	42,2 фоиз	98,8 фоиз

Алоҳида тармоқлар кесимида қимматли қоғозлар нархининг уларнинг номиналига нисбати

Тармоқ	2015 йил январь
Агросаноат мажмуаси	1,00
Ижтимоий соҳа	1,00
Банк соҳаси	1,03
Саноат	1,00
Қурилиш	1,00
Бошқалар	1,13

DUNYOGA NIGOH



KBC Group йиллик соф фойдаси ортди

KBC Group 2014 йилни 1,76 млрд. евро миқдоридagi соф фойда билан якунлади. 2013 йилда эса ушбу кўрсаткич 1,015 млрд. еврога тенг эди.

IV чорақда KBC соф фойдаси 457 млн. евро, яъни III чорақдан 591 млн. евро кўп миқдорни ташкил этди. 2013 йилда IV чорақни эса компания 294 млн. евро миқдоридagi зарар билан якунлаган эди.

2014 йил сўнгги чорақидagi тузатиш соф фойда миқдори 477 млн. еврога тўғри келди.

Хар бир акциядан олинган фойда 3,32 еврога тенг бўлди. Молиявий воситалар ёрдамида амалга оширилган ҳаракатлардан олинган соф фойда 2014 йил учун 233 млн. еврони ташкил этди, бир йил аввал эса 779 млн.

еврога тенг бўлган эди. Кредитлар бўйича йўқотишлар 2013 йилда 1,6 млрд. евро миқдоридagi эди, бу йил эса ушбу кўрсаткич 554 млн. евродан иборат бўлди.

Эслатиб ўтамиз, KBC – Бельгиянинг жисмоний шахслар ҳамда кичик ва ўрта бизнес вакилларига хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи универсал банки ҳисобланади. Банк фаолияти чакана банк хизматларини кўрсатиш, шунингдек, активларни бошқариш ва сугурталаш билан боғлиқ. KBC Европада банк ҳажми бўйича 18-погонани эгаллаган муассасадир.

Электрон тўловларга янги талаб

Американинг Visa компанияси масъулари баён қилишича, компания мобил ва онлайн-тўловларни амалга ошириш чоғида хавфсизлик талабларига риоя этилиши учун анъанавий 16 белгили картага рақамли технологияни кенг жорий этиш ниятида.

– 2015 йилда Visa компанияси турли хил мослама, дастур ва ишланмалар орқали хавфсиз тўловни амалга оширишга имкон яратади, – дейди компания Бош директори Чарли Шарф. – Бунинг учун фирибгарликка барҳам берувчи турли хил технологияларни қўллашимиз, айти пайтда истеъмолчи ва харидорларнинг электрон тижоратга нисбатан ишончини сақлаб қолишга эришамиз.


Компания 2014 йилда Visa Token хизматини татбиқ этган эди. Ушбу технологияга асосан мижознинг картасидagi маълумотлар, яъни унинг 16 рақамли ҳисоб рақами, картанинг амал қилиш муддати ва хавфсизлик коди сингари маълумотлар ўрнига кетма-кет рақамлардан иборат уникал тизим ишга тушади ва ушбу тизим орқали тўловни тасдиқлаш мумкин бўлади. Бугунги кунда бундай технологиядан 500 дан ортиқ молиявий ташкилотлар фойдаланишмоқда.

Ўтган ҳафта якунида MasterCard Inc. кредит карталари бўйича хизмат кўрсатаётган компания 2015 йилда янги дастурни илк бора ишга тушириши ҳақида маълум қилди. Ушбу дастурда мижознинг биометрик маълумотларини таниш, хусусан, бармоқ изи ва мижоз овози сингари функциялар мавжуд бўлади ва улар орқали тўловларни тасдиқлашга замин яратилади.

Ушбу лойиҳага киритиладиган инвестиция миқдори 20 млн. АҚШ дол-

ларини ташкил этиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, MasterCard жорий йилнинг баҳоридаёқ АҚШ бўйлаб Safety Net дея номланувчи янги дастурни ишга туширишни мўлжалламоқда. Ушбу дастур компания томонидан олдиндан сўралган талабларга мувофиқ маълум доирадаги трансакцияларни автоматик равишда назорат қилиш ва чеклаш имкониятига эга. Таъкидланишича, дастур айрим фирибгарлик ҳаракатларининг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқилган ва камдан-кам ҳолларда жараённи тўхтатади.



«The Wall Street Journal» нашрининг ёзишича, компания томонидан киритилган бундай янгиликлар сўнгги пайтларда кўп учраган ҳолатлар, хусусан, кредит карталарига нисбатан уюштирилаётган талон-тарожликлар, Home Depot дея аталувчи Америка савдо тармоғининг тўлов тизимини бузишга бўлган ҳаракатлар ва Target савдо тармоғи мижозларининг ўн миллионлаб банк карталаридан содир этилган ўғирликлар оқибатида юзага келди.

Кредит қайтарилишига рози бўлишди

Еврогурӯх раиси Йерун Дейселблумнинг маълум қилишича, ташкилот Португалиянинг Халқаро валюта фондидан олинган кредитни муддатдан илгари қайтаришга оид сўровини маъқуллади.

– Португалия тузилмавий ислохотларни мувафақиятли амалга ошириш бўйича ўрнатилган кўрсаткич олди, – деди у. – ХВФ доирасида миллий ҳаракатлар муҳокамаси зудлик билан бошланиши лозим.

ЯИМ ўсиш суръати кўнгилдагидек

Евроҳудуднинг 2014 йил IV чорақдagi ЯИМ ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,3 фоизга ўсди, ЕИда эса бу кўрсаткич 0,4 фоизни ташкил қилди.

Eurostat Европа статистика агентлиги бу борада тўлиқ маълумот берар экан, III чорақда евроҳудудда ушбу кўрсаткич 0,2 фоиз, ЕИда эса 0,3 фоиздан иборат бўлганини айтади.

Йиллик ҳисобда иқтисодий ўсиш суръати октябрь-декабрь ойларида евроҳудудда 0,9 фоизга, ЕИда эса 1,3 фоизга тўғри келди.

Қиёсий солиштиришда, июль-сентябрь ойларига нисбатан АҚШ ЯИМ IV чорақдagi ўсиш суръати 0,7 фоизни, йиллик ҳисобда эса 2,5 фоизни ташкил қилганини таъкидлаш мумкин.

Италия иқтисодиётида ижобий томонга ўзгариш

Италия Миллий статистикаси (Istat) маълумотларига қараганда, мамлакат иқтисодиёти учинчи йилдирки қисқармоқда.

Расмий маълумотларга кўра, 2012 йилда мамлакат ЯИМ 2,3 фоизга, 2013 йилда эса 1,9 фоизга тушиб қолган. Istat томонидан тайёрланган прогнозга мувофиқ, жорий йилда ушбу асосий иқтисодий кўрсаткичнинг камайиб кетиши 0,4 фоизни ташкил қилади, айти пайтда ҳукумат ушбу кўрсаткич 0,3 фоиздан иборат бўлишини тахмин қилмоқда.

Умидсизланмасликка ягона омил таъсир кўрсатмоқда, яъни 2014 йил IV чорақда Istat мутахассислари томонидан ЯИМнинг ноль даражадаги динамикаси кузатилган. Айрим мутахассисларнинг фикрича, бу Италия рецессия жараёнидан чиқаётганидан далолатдир.

Италия Марказий банкдан ҳам хушхабар келди: 2014 йилда давлат-



нинг ташқи қарзи тахминан 26 млрд. еврога камайди ва 2,134 трлн.ни ташкил этди. Айти пайтда сўнгги йил давомида ташқи қарз ҳажми умумий қийматда 66 млрд. еврога кўпайиб, ЯИМнинг 135 фоизига тенг бўлди. Молиявий таҳлилчиларнинг башорат қилишича, 2015 йилда Италия қарзи ЯИМнинг 145 фоизи даражасига етиши мумкин.

Европа фонд бозоридан хабарлар

Европа фонд майдонидаги йирик савдолар «қизил ҳудуд» даражасида якун топди.

Буюк Британиянинг FTSE 100 индекс кўрсаткичи аввалгисидан 0,24 фоизга тушиб кетди ва 6 857,05 пунктни ташкил этди. Германиянинг DAXи эса 0,37 фоиз йўқотишни ҳис этди ва 10 923,23 пунктдан иборат бўлди. Франциянинг CAC 40 индекси кўрсаткичи ҳам 0,16 фоизга камайди ва 4 751,95 пунктга тўғри келди.

Осиёликлар ижобий натижага эришди

Осиё-Тинч океани ҳудуди фонд бозоридagi савдо натижалари ижобий кўрсаткичда якунланди.

Япониянинг Nikkei 225 индекс кўрсаткичи 0,51 фоизга ўсди ва 18 004,77 пунктни ташкил этди. SSE Composite Шанхай фонд биржаси индекси 0,58 фоизга ортди ва 3 222,36 пунктга етди. Гонконгнинг Hang Sengида – 0,18 фоиз ўсиш кузатилди ва 24 726,53 пунктга тенг келди. Жанубий Кореянинг KOSPIда эса 0,04 фоиз ортди ва 1 958,23 пунктдан иборат бўлди. Сингапурнинг Straits Times Indexи ҳам яхши натижа билан, яъни 0,03 фоиз ортиш билан савдони якунлади ва 3 427,16 пунктга етказиб олди.



2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

Нуронийлар — қадримиз, фуруримиз

Ўзбекистон Бадий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида Кексаларни эъзозлаш йилига бағишланган фотокўргазма ташкил этилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида ёши улуг кишиларни эъзозлаш, уларга муносиб турмуш шароити яратиш, ёшларни кекса авлод вакилларига ҳурмат-эҳтиром руҳида камол топтириш масаласига алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

марказларида улар иштирокида маҳорат сабоқлари ўтказилмоқда.

Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан ташкил қилинган мазкур кўргазма экспозициясидан ўрин олган фотоасарларда юртимизда табаррук ёшдаги кишиларга ҳурмат кўрсатиш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга оид ибратли ишлар, умрбоқий анъана ва қадри-



Ўзбекистон Бадий академияси томонидан Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилган нуронийларнинг ибратли ҳаёт тажрибасидан ёшлар тарбиясида кенг фойдаланиш, ижтимоий-иқтисодий, маънавий ислохотларнинг моҳиятини фотография ва тасвирий санъат воситасида акс эттиришга оид бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ёши улуг расомлар, хунармандлар, кўлигул усталарнинг бадий, амалий, фотокўргазмалари ташкил этилиб, олий ўқув юртлари, «Баркамол авлод» болалар

ятларимиз акс эттирилган.

Кўргазмада А.Жумаев, Р.Шагаев, И.Содиқов, В.Шлосберг каби моҳир фоторассомлар билан бирга С.Ўрмонов, А.Абдуллаев, Ж.Норқобилов, Ҳ.Атоев, Ҳ.Пайдоев, Н.Боймуродова сингари ёшларнинг ижод намуналарига ҳам кенг ўрин берилган. «Онажонимиз 100 ёшда!», «Уч аср тенгдоши», «Авлодлар учрашуви», «Сулота», «Аҳил оила», «Уста бобо» сингари саксондан ортиқ асар ҳаётийлиги, ёрқинлиги билан томошабинларга манзур бўлмоқда.

ЎЗА.

Ўзбекистон

маҳсулотларининг доврўғи

Москвада ўтказилган озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар «ПродЭкспо – 2015» анъанавий халқаро кўргазмасида «Ўзвиносаноат-холдинг» компанияси маҳсулотлари юқори эътирофга сазовор бўлди.

Унда 65 мамлакатдан икки мингдан ортиқ фирма ва компания ўз маҳсулотларини намойиш этди.

Халқаро кўргазмада «Ўзвиносаноат-холдинг» компанияси 115 турдаги кенг ассортиментдаги маҳсулотлари билан қатнашди.

Айни пайтда Ўзбекистонда узумнинг қирқдан ортиқ нави етиштирилиб, маҳсулотни қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Мамлакатимизда тоқзорлар ҳосилдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилаётган эътибор бозорлар тўқинлиги ва экспорт имкониятларини оширишга хизмат қилаётир. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 13 мартдаги «2013-2015 йилларда республикада узумчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Анъанага кўра, халқаро кўргазма доирасида

2015 йилнинг энг яхши маҳсулоти танлови ўтказилди. Унда кўргазмада қатнашаётган ишлаб чиқарувчилар орасидан 500 компания бир минг беш юз хилдаги маҳсулоти билан иштирок этди.



Танловда «Ўзвиносаноат-холдинг» маҳсулотлари 18 медаль, жумладан, сакизта олтин медаль билан тақдирланди.

– Саноатбоп навли тоқзорлар майдони кенгайиб, хомашё базасининг мустаҳкам-

ланиши маҳсулот етиштириш ҳажми ва сифатини ошириш имконини бермоқда, – дейди компаниянинг модернизация ва илғор технологияларни жорий этиш бошқармаси бошлиғи Адолат Вострикова. – Натижада маҳсулотларимиз ички ва ташқи бозорда ўз ўрнини тобора мустаҳкамламоқда. Мисол учун, кейинги беш йилда тур-

ли танловларда 170 га яқин олтин, кумуш ва бронза медаль, 50 дан ортиқ диплом олишга муваффақ бўлдик. «ПродЭкспо – 2015» кўргазмасидаги ютуғимиз бунинг яна бир эътирофидир.

ЎЗА.

Тошкентда «француз ошхонаси куни» нишонланади

Жорий йил 19 март куни Тошкентда «Француз ошхонаси куни» нишонланади. Шу муносабат билан Франция элчихонаси томонидан пойтахтимизга бош ошпаз Жерар Канья таклиф этилган. Шу куни у тадбир иштирокчиларини француз ошхонасининг таъсиқ таомлари билан меҳмон қилади.

Тадбир бутун дунё бўйлаб 150 та давлатда 1300 нафар бош ошпаз бошчилигида нишонланади. Улар кенг миқёсдаги «Good France» лойиҳасида иштирок этадилар, деб хабар берди Тошкентдаги Франция элчихонаси матбуот хизмати.

1912 йили машҳур француз ошпази Огюст Эскофье ўзининг юртдошлари учун биринчи «Эпикурей тушликларига» асос солган. Бир хил таомномадан тузилган ва иложи борича кўпроқ меҳмонларга мўлжалланган бу тадбирлар бир вақт-

нинг ўзида дунёнинг кўплаб шаҳарларида ўтказилган. «Good France» Франция таомлари фестивали худди шу гоёни ўзида намоеён этади.

Фестиваль давомида бош ошпазлар меҳмонларга маҳаллий пазандачилик анъаналарини ҳисобга олган ҳолда француз аперитиви, совуқ ва иссиқ газаклар, балиқ ва денгиз маҳсулотларидан тайёрланган таомлар, мол-қўй ёки парранда гўшти, француз пишлоғи, шоколадли десертларни ўз ичига олган таомномани таклиф этишади.

«Туркистон-пресс» НАА.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

«Norma» МЧЖ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

Акмал НАЗАРОВ

Нашр учун масъул

Анвар АСРОРОВ

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

Газета «Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖнинг компьютер базасида саҳифаланди

АХБОРОТ КўМАГИ

ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100084, Тошкент ш.,

Ғ. Мавлонов кўчаси,

1а-уй, 3-қават.

e-mail: info@banknews.uz

www.banknews.uz

Реклама ва эълонлар учун

234-43-18

телефони орқали мурожаат қилинг.

Юридик шахслар учун нашр индекси – 102.

Жисмоний шахслар учун нашр индекси – 377.

Таҳририятнинг фақат ёзма розилиги билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади.

Кўлёмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чоп этилади.

Буюртма № 2023

Адади: 10191 нусха.

Нархи шартнома асосида. Газета АЗ ҳажмда, 3 шартли босма табоқда чоп этилди.

Босишга рухсат этилди: 17.02.2015 й.